Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 195 (20. 762) • 1990 йил 28 август, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

Дунё овози

ПЕНТАГОН БУЙРУҒИ

● ВАШИНГТОН. Пентагон якшанба куни Форс кўрфазидаги танглик муносабати билан АҚШ армияси ва миллий гвардиясининг мамлакат барча районларидаги резервистларини қўшимча равишда чақириш тўғрисида буйруқ берди.

ЮПИ ахборот агентлигига шу ҳақда маълумот келди.

Агентликнинг маълум қилишича, «Саҳро қалқони» операциясида резервистларнинг яна 50 та бўлинмаси ишга солинади. Бироқ Пентагон улар шахсий таркибининг аниқ сонини айтишдан бош тортди.

Шу куни 13-армия корпусининг қисмлари ана шу «Саҳро қалқони» операцияси доирасида Яқин Шарқда жойлаштирила бошланди.

АП ахборот агентлигининг Вашингтондан хабар беришича, «манбаларга кўра, Форс кўрфази районига қўшинларни олиб кириш тўғрисида АҚШ Президенти Жорж Бушнинг фармойиши чиққандан буён ана шу регионга ҳозиргинг ўзидаёқ тахминан 60 минг америкалик қарбий хизматчи юборилди».

БИР ҚАРОРГА КЕЛИНМАДИ

● ЛОНДОН. Покистон маъмурлари Аэрофлотнинг ТУ-154 самолётини олиб қочган 11 кишини Покистонда суд қилиш ёки совет маъмурларига топшириш хусусида бир қарорга келишмади.

Рейтер ахборот агентлиги мазкур мамлакат рамсий кишиларининг маълумотига асосланиб, ана шундай хабар тарқатди.

«Самолётни олиб қочган кишиларни бу ерда махсус қонунларга биноан суд қилиш ёки уларни Совет Иттифоқи маъмурларига топшириш хусусида бир қарорга келинмади», деди якшанба куни Исломободда Покистон ташқи ишлар министрлигининг вакили. Агентлик, шунингдек, «Карочи полициясидаги манбаларга кўра, Покистон разведкасининг ходимлари полициячиларга қўшилиб, жиноятчиларни сўроқ қилишда қатнашаётганлигини» ҳабар беради.

Карочидаги маҳаллий маъмурларга таслим бўлган самолётни олиб қочувчилар Покистонда суд олдида жавоб берадиган бўлсалар, улар 25 йил қамоқ жазосига ёки ўлимга ҳукм қилиниши мумкин.

ТЕМИР ЙЎЛДАГИ ҲИЙЛА-НАЙРАНГЛАР

● ПЕКИН. Хитой темир йўллар министрлиги мамлакат темир йўлларида тартибни тубдан йўлга қўйиш, хизмат мавқеидан ғаразли мақсадларда фойдаланишга қарши фаол кураш олиб бориш ниятидадир.

ХКП Марказий Комитетининг органи «Жэньминь жибао» газетасининг хабар беришича, ҳозирги вақтда вагонлар ва билетлар билан хийла-найранг ишлатиш темир йўл транспортига катта зарар етказаётганлиги энг жиддий масала бўлиб турибди.

Бу йил, деб ёзади «Жэньминь жибао» газетаси, транспорт назоратининг турли органлари 11 мингтадан ортиқ ишни кўриб чиқди.

ЮГОСЛАВИЯ ЎРМОНЛАРИДА ЁНҒИН

● БЕЛГРАД. Югославиянинг Адриатика денгизи соҳили жанубий қисмидаги ўрмонларда шу кунларда тез-тез ёнғинлар чиқмоқда.

Дубровник яқинидаги Котор бухтаси атрофида жойлашган ва қарағайзор ўрмонлари, кўзни қувнатувчи кўпгина тоғ чўққилари ҳозир олов пуркаб турган вулқонларни эслатади. Ўрмонлар ёнғинлари алангаси ва бурқсиб кўтарилаётган тутун бир неча 10 километр масофадан ҳам кўриниб турибди.

Маҳаллий маъмурлар ва ўт ўчириш хизматлари ҳозирча ёнғинни жиловлашга ва унинг соҳилдаги аҳоли пунктларига ҳамда курорт объектларига яқинлашишига йўл қўймасликка муваффақ бўлишяпти. Шунга қарамай, ўрмонзорларга ўнглаб бўлмайдиган зарар етмоқда.

Югославия матбуотининг таъкидлашича, янги ёнғинлар чиқиши хавфи бор. Чунки метеорологлар яқин кунларда ҳам қуруқ, иссиқ об-ҳаво сақланиб қолишини олдиндан айтишмоқда. Зеро, ўрмон ёнғинлари чиқишининг асосий сабаби ҳам мана шу.

ПСИХОЛОГ НИМА ДЕЙДИ

● ЛОНДОН. Кундузги электр лампалари қаттиқ бош оғриғининг асосий сабаби бўлиши мумкин.

Кембриж университети тиббиёт тадқиқот маркази ҳузуридаги амалий психология бўлимининг ходими Арнольд Уилкинс ана шу ҳақда гапирди. У агар одамлар кундузги электр лампалари липиллашини сезмасалар ҳам, улар барибир кўзга таъсир қилади, деб ҳисоблайди. Натижада кундузги электр лампали бинода узоқ вақт бўлганда одамларнинг кўзи чарчайди, бош оғриғи бошланади. Баъзи ҳолларда юрак уруши тезлашади. Олимнинг фикрича ,компьютерлар терминаллари ҳам одам организмига худди шундай таъсир кўрсатади.

Доктор Уилкинс кундузги электр лампаларини замонавий чўғланма лампалар билан алмаштириш зарур, бундай лампаларнинг самарадорлиги анча оширилиши мумкин, деб ҳисоблайди.

ОЛИМ ТАХМИНИ

● Аёлнинг ҳомладорлик даврида касалланиши келгусида унинг фарзанди шизофрения (руҳий касалликнинг бир тури)га чалинишининг сабабларидан бири бўлиши мумкин.

Лондон қироллик коллежи психиатрия институтининг профессори Робин Мэррей шундай тахминни билдирди. У 1958 йилда Англияда туғилган болалар орасида шизофрения билан касалланиш ғоят юқори даражада бўлганлигига асосланиб, шундай хулосага келди. Профессор 1957 йилнинг охирида Англияда грипп касаллигининг энг оммавий эпидемияларидан бири тарқалганлигини эслатиб ўтади.

Профессор қиш чилласида туғилган болалар шизофрения касаллигига кўпроқ чалинадилар, деб ҳисоблайди. Чунки йилнинг шу вақтида шамоллаш ва вирусли касалликлар энг кўп тарқалади.

ПЛАСТИК ИДИШЛАР МУАММОСИ

● БЕРН. Швейцария ҳукумати келаси йил ноябрь ойидан бошлаб мамлакатда ҳозир пиво, минерал сув ва чанқоқбосди ичимликлар қуйишда кенг қўлланилаётган пластик идишлардан фойдаланиш таъқиқланишини эълон қилди.

Мазкур қарор чет эл фирмалари маҳсулотларига, асосан ўзлари тайёрлаган ичимликларни пластик идишларга жойлаб сотувчи Франция маҳсулотларига ҳам тегишлидир. Келаси йил кузидан бошлаб бундай идишлар Швейцария пештахталаридан жой ололмайди. Бироз олдинроқ ГФР маъмурлари ҳам шундай қарор қабул қилишган эди.

Швейцария маъмурларининг бундай қарор қабул қилишларига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ташвиш сабаб бўлди. Пластик идишлар шу қадар арзонки, фирмалар улардан қайта фойдаланиш билан ўзларини қийнаб ўтиришмайди. Натижада пластик идишлар ташлаб юборилади, кейин эса бошқа рўзғор чиқиндилари билан бирга ёндирилади. Пластик буюмлар ёндирилганида хлорли водород ажралиб чиқади. У эса кейинчалик кислотали ёмғир бўлиб ерга қайтиб тушади.

Швейцариялик корхона эгалари ҳозирнинг ўзидаёқ бу қарорга қарши чиқдилар.

Бугун жумҳуриятимизда

Янгиликлар, воқеалар, шарҳлар

БЎЛИҚ КЎСАКЛАР

Айни кунларда жумҳурнятимиз пахтакорлари ғўза парваришини авж олдириш билан бирга терим мавсумига ҳам пухта ҳозирлик кўраётирлар. Йўллар, хирмонжойлар тартибга келтирилмоқда. Машина-механизмлар ремонтдан чиқарилмоқда.

Иштихон районидаги «Узбекистон» колхозида ҳам ана шу ишлар қизғин. Айниқса Қаҳрамон Исматов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари бу борада пешқадам. Улар 87 гектар майдондаги ғўзаларни меҳр билан парваришламоқдалар. Қилинган меҳнат ўз натижасини бермоқда. Бу ерда ҳар бир туп ғўзада 15-20 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин. Айрим пайкалларда пахта очилди. Миришкорларнинг нияти ҳар гектар ер ҳисобига 30 центнердан пахта йиғиштириб олиш.

Ғўзаларнинг бундай гуркираб ривожланишида илғор сувчи Искандар Турсуновнинг ҳиссаси катта. У бир кеча кундузда 2 гектар ерга обиҳаёт таратаётир. Жамоатчи суратқаш Ғ. АЛИЕВ тасвирга туширган мана бу суратда шу илғор сувчини кўриб турибсиз.



● Меҳнат жамоаларида

МАВСУМГА ШАЙ

● Янгиариқ районидаги пахта тозалаш заводида янги мавсумга тайёргарлик даврида учта янги тола тозалагич ва иккита «Циклон» ўрнатилди. Завод пахта қабул қилишга тахт қилиб қўйилди.

Тельман номли ва Биринчи Май номли, шунингдек, завод олдидаги территорияда жойлашган тайёрлаш пунктларидаги ғарамлаш майдончаларига асфальт ётқизиб бўлинди.

Завод меҳнаткашлари чанг тўплаш камерасининг кенгайтирилишини бу йилги ремонт мавсумининг энг муҳим объектларидан бири деб ҳисоблашмоқда. Унинг майдони бир ярим баравар кенгайтирилмоқда, бу эса атроф-муҳитга пахта чанги тарқалишини кескин камайтириш имконини беради.

Ишчилар учун керакли шарт-шароитлар яратиб беришга ҳам эътибор қаратилган. Бу йилдан бошлаб тозалаш, пресслаш ва ремонт цехлари ҳузурида дам олиш хоналари ташкил қилинган.

ДАСТУРХОН КЎРКИ

● «Ферганахлебпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг корхоналари энди йилига олти юз тоннагача қандолат маҳсулотлари тайёрлайди. Бу печенье, вафли ва кремли бисквит тортларни тайёрланадиган янги цехнинг фойдаланишга топширилиши билан боғлиқдир.

Бирлашма жамоаси ишлаб чиқариш қувватларини муттасил ўстириб бормоқда. Ҳозир янги нон заводи қурилиши тугалланяпти. Бу заводда бир кеча-кундузда 45 тоннагача нон-булка маҳсулотлари ёпилади.

Вилоят марказида колхоз бозори ёнида қулча нон ёпиладиган цех қурилаяпти. Бу ерда кеча-кундузда уч тонна нон тайёрланади. Бу хусусий новвойлар кўтариб юборган нархларни туширишга имконини беради.

Замондан орқада қолмаётган новвойлар меҳнатни ташкил қилишнинг янги шаклларини ўзлаштирмоқдалар. Учта цех жамоаси ижара усулида ишлай бошлаганига яқинда икки ой бўлади. Йил охирига бориб, бирлашма барча корхоналарининг ижара усулига ўтиши кутилмоқда.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИГА

● Пастдарғом районидаги Ленин номли совхоз жамоаси 60 ўринли профилакторий қуришга қарор қилди.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди ва яқин вақт ичида совхоз қурувчилари иш бошлашади.

Янги шифохона хўжаликнинг энг кўркам жойларидан бирида бунёд этилади.

(ЎзТАГ).

МАРД МАЙДОНДА БИЛИНАДИ

Ёз ҳарорати пасаймаяпти. Пахта далалари кундан-кунга оппоқ рангга безанаяпти. Терим мавсуми ҳам яқинлашиб қолди. Бу йилги бўлиқ ҳосилни тез ва сифатли териб олишда машина теримининг аҳамияти катта.

Риштон ноҳиясидаги Куйбишев номли колхоз машина-трактор паркида «зангори кема»лар теримга шай қилиб қўйилди. Колхоз механизаторлари бу йилги мавсумга айниқса, пухта тайёргарлик кўрдилар. Мавжуд 13 та пахта териш машинаси, 20 га яқин кўрак чувиш, кўсак узиш механизмлари, бошқа техника воситалари қисқа муддат ичида сифатли ремонтдан чиқарилди. Колхозда 1406 гектар ерга пахта экилган. Унинг 70 фоизини машиналар ёрдамида териб олиш мўлжалланган. Пахта териш машиналарини мавсумга шайлашда И. Назаров, Ҳ. Мўминов, С. Пўлатов сингари механизаторлар айниқса жонбозлик кўрсатдилар. Ҳар бир механизатор ўзига бириктирилган машинани теримга шайлашда иштирок этди. Терим пайтида машинанинг панд бермаслигига энди унинг ишончи комил.

Мўътабар Қорғдиева шу колхознинг илғор бригада бошлиғи. 10 нафар фарзандни тарбиялаб ўстираётган Қаҳрамон она. Ўтган йили у ўз машинаси бункеридан 90 тоннадан ортиқ пахта тўккан бўлса, бу йил 110 тонналик маррани эгаллаш иштиёқида.

Йиғим-терим. мавсумига шаймисиз?

— Бу йил машинада терилган ҳар бир тонна пахта учун 10 сўмдан ҳақ тўланади. Бу эса биз, механизаторларни моддий рағбатлантиришда муҳим омил бўлди. Зеро мавсум давомида 150—200 тонна пахта терадиган сергайрат механизаторларнинг даромади бу йил анча мўл бўлиши тайин, — дейди М. Қорғдиева.

Пахта мавсумига қандай тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида район партия комитетининг биринчи котиби, район Совети раиси Х. Одилов сўзлаб берди:

— Ноҳия хўжаликларида пахта териш машиналари ремонти тугалланиш арафасида. Йўллар ремонти, хирмонларни шайлаш, пахта пунктлари тайёргарлиги ҳам ниҳоясига етди. Терим мавсумини маданий-маиший томондан таъминлаш, теримчиларга савдо ва медицина хизмати кўрсатиш юзасидан тузган тадбирларимиз ижро қилина бошланди. Ноҳия бўйича ялпи пахта ҳосилининг ярмидан ортиғини машиналар ёрдамида териб олмоқчимиз. «Партия XXV съезди», А. Навоий номли совхозларида эса етиштирилган ҳосилнинг 70-85 фоизи машиналар ёрдамида териб олинади. Йиғим-терим — транспорт отрядлари рўйхати белгиланди. Уларга бириктирилган транспорт воситалари тайёр ҳолга келтирилган. Биз четдан бирорта ҳам ҳашарчи чақирмаймиз.

Теримни ўз кучимиз билан ўтказамиз. Пахта бу йил эртаки. Шу боис дефолиацияга тайёргарлик ҳам асосан якунланди. Сентябрнинг дастлабки кунлариёқ бу ишни бошлаб юборамиз. 15 сентябрга дефолиация тугалланади. Унда асосан ерда ишлайдиган механизмлардан фойдаланилади. Бошланғич партия ташкилотлари, Совет, хўжалик органлари 1990 йил пахта терими мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш учун барча чора-тадбирларни кўряпти.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

НАВБАТ МАЖБУРИЯТГА

Задарё районининг Марказий Фарғона чўлларига жойлашган «Украина» совхози деҳқонлари яқинда полиз маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш планини бажардилар.

Тайёрлов пунктларига 1550 тоннадан зиёд шириншакар қовун-тарвуз етказиб берилди. Ҳосилнинг ҳаммаси давлат стандартлари талабларига мос келганлиги айниқса, диққатга сазовор.

Эришилган муваффақиятга оилавий пудратчи полизчилар катта ҳисса қўшдилар. А. Кенжаев, К. Қуронов, Р. Мустафинлар бошлиқ звенолар коллективлари полиз пайкалларида ҳосил мўл бўлди. Бу йил деҳқонлар қовун-тарвузларнинг сифатига, ширинлигига алоҳида эътибор беришди. Мазкур коллективларда мажбурият ҳисобига маҳсулот топшириш давом этмоқда. Совхоз деҳқонлари яна давлатга 150 тонна полиз маҳсулотлари етказиб беришга аҳд қилдилар.

И. САМИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ БАНКИНИНГ ДАСТЛАБКИ ОДИМЛАРИ

Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонига кўра, Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқа давлат комитети ташкил топди. Жумҳуриятда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий банки ҳам фаолият кўрсата бошлади. Бу, жумҳуриятнинг ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтиришда муҳим восита бўлади. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий банкининг раиси Наримон КАРИМОВ жамоатчи мухбиримиз Ш. ИСЛОМОВ билан банкнинг вазифа ва истиқболлари ҳақида суҳбатлашди.

— Сиз бошчилик қилаётган банк яқиндагина Тошкент марказида янги бинога эга бўлди. Албатта, хоналарни ғарбий фирмаларнинг офисларини эслатадиган кўркам бинода ишлаш ёқимли. Лекин гап бинода бўлмаса керак...

— Бинонинг ҳам аҳамияти бор. Банкка келган мижозларимиз ўзларини шунга муносиб ҳис қиладилар. Лекин, табиийки, асосий гап ташқи кўринишда эмас. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий банки ташкил этилиши ҳақида эълон чиқиши биланоқ бизга жумҳуриятнинг кўпгина ташкилотларидан ёрдам бериш тўғрисида таклифлар туша бошлади. Ўйлайманки, бу тасодифий эмасди. Маъмурий-буйруқбозлик системаси уларга ажратиб турган маблағ ушоқчалик ҳам бўлмаганлиги маълум. Эндиликда эса жумҳурият мустақилликка эришаётгани, корхоналарнинг ўзлари ҳам кенг ҳуқуқларга эга бўлгани вазиятни тубдан ўзгартирмоқда. Хўжалик раҳбарлари тушуниб етишди: банк бу фақат шунчаки қарзлар берувчи, даромад ва олинган фойдани ҳисоблайдиган муассасагина эмас, балки ишончли шерик сифатида маслаҳат берадиган, кўмаклашадиган яқин дўстдир. Хуллас, банк худди ривожланган мамлакатлардаги сингари даражага эга бўлиши керак. Бугунги кунга келиб бизга ўз валюта маблағларини ўтказган жумҳурият корхоналари ва ташкилотларининг сони 100 дан ортиб кетди.

Бизнинг мусоҳаба

— Демак, Ўзбекистонда ташқи бозорга мол чиқарувчи корхона ва ташкилотларнинг пайдо бўлиши ташқи иқтисодий банк тузилишига сабаб бўлибди-да.

— Аслида биз бу соҳада анча орқада қолдик. Умумий мантиққа таянадиган бўлсак, ташқи иқтисодий фирмалар, уюшмалар (гап қандай аталишига боғлиқ эмас) тузилишидан олдинроқ банк ташкил қилиш лозим эди. Бизда эса бамисоли арава отларнинг олдига тушиб олгандек бўлди. Вазият бундан ҳам ёмонроқ бўлиши мумкин эди. Яхшиямки, бундай жиддий масаланинг ҳал этилишига жумҳурият ҳукумати зарур ёрдамни ўз вақтида берди.

— Гапингиздан маълум бўлишича, банк тузилишига шу бинони икки йил давомида танладик. СССР Ташқи иқтисодий банки аппаратига нимани таклиф этсак, ҳаммасини рад этишиб келди.

Сиз қўйган саволга қайтамиз. Айни шу душман деб бировни кўрсатмоқчи эмасман. Ҳаммадан аввал бундай қаршилик билим доирасини пастликдан, вазиятни тушуниб етмаганликдан содир бўлади. Тижоратда бўлса, ҳамма нарса, жумладан масофа ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шундай бир манзарани тасаввур қилинг: сиз валютани Тошкентда ишлаб топасиз, валюта эса сиздан уч минг километр олисдаги банкка келиб тушади. Шунча жойга бориб келишнинг ўзига қанча маблағ кетади. Ахир яқин пайтгача ҳам ана шундай бўлиб келди. СССР Ташқи иқтисодий банкидаги ўртачароқ мансабдорга учрашиб енгилгина масалани келишиб олиш учун ҳам учбеш кун вақт йўқотардик. Бу мураккаблик охир-оқибатда юзлаб минг доллардан айрилишга олиб келарди.

— Ташқи иқтисодий банклар барча республикаларда ҳам тузиб бўлиндими?

— Ҳа, улар Ўрта Осиё регионидан бошқа карийб ҳамма республикаларда ишлаб турибди. Биз билан бир пайтда мазкур банклар Қозоғистон ва Озарбайжонда ташкилий паллани бошдан кечиришмоқда.

— СССР Ташқи иқтисодий банки билан муносабатларни қандай йўлга қўймоқдасиз? Жумҳурият банклари худди олдинги турғунлик давридаги сингари Москванинг филиалларига айланади, деган гаплар юрибди...

— Ўйлайманки, бундай гапларга ўрин йўқ. Агар шундай бўладиган бўлса, бу бир қадам ортга қайтиш бўлур эди. Бу бозор иқтисодиётига зид бўлиб, жумҳурият суверенитетига халал беради.

— Энди банкингизнинг фаолиятн ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз.

— Энг асосийси, бизнинг мижозларимиз Ташқи иқтисодий банкда тўла-тўкис хизмат кўрсатиш комплексига эга бўлишади. Мижозлар бизда валюта ҳамда сўм ҳисобларини оча оладилар. Банкнинг асосий сармояси валюта бўлиб, у жумҳуриятнинг турли корхона ва ташкилотлари томонидан ўтказилади. Шунингдек, жумҳурият фуқаролари ҳам ишлаб топган валюта маблағларини бизда сақлашлари мумкин. Дарвоқе, кўпгина ҳамюртларимиз ўзларининг шундай маблағларини Москвадан бизга ўтказиб қўйишга шошилмаяптилар. Бу, албатта, уларга ортиқча оворагарчилик туғдирмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг кенгайтирилиши, табиийки, валютанинг кўпайишига олиб келади. Бу мижозларга ҳам, банкка ҳам баб-баравар фойда. Албатта, жумҳурият муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал эта олиши учун етарли миқдордаги валютани жамғаришга анча вақт кетади. Шунинг учун мен хорижий фирмаларни ҳам ўз сармояларини банкимизга ўтказиш учун жалб этишни зарур, деб ҳисоблайман.

Ҳозир, биз билан ҳамкорлик қилиш учун Яқин Шарқ, Осиё ва ривожланган капиталистик мамлакатларнинг йирик банклари катта қизиқиш билдиришмоқда. Афсуслар бўлсинки, улар билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни СССР Ташқи иқтисодий банки орқалигина амалга ошириш мумкин. Аммо мен, шунга аминманки, вақти келиб бундай фаолият бевосита жумҳуриятнинг ўзига берилади.

— Ҳозирги босқичда энг асосий масала нимада деб ўйлайсиз?

— Банк молия дунёсида яхшигина обрў қозониб олиши керак. Бу ҳар қандай моддий маблағлардан кўра устунроқ баҳо олиб беради. Ғарбдаги энг яхши банклар даражасида ишлашга ўрганишимиз керак. Ходимларимиз Белоруссия ва Украинада тажриба ўрганиб қайтишди. Лекин бу кам. Бизнинг банкчилар хорижда тажриба орттириб келишлари зарур. Ахир, биз кўпгина хорижий банклар билан бирга ишлашимизга тўғри келади. Шунга кўра, биз ходимларни АҚШ, Япония, Англия, бошқа ривожланган мамлакатларга юборишни мўлжаллаб турибмиз.

(Давоми иккинчи бетда).

ЯНГИ КИТОБ

● ПАРИЖ. Агар китобда бирор сўз сал нотўғри ёзилиб қолган бўлса, бунинг сира қўрқинчли жойи йўқдек кўринади.

Лекин Франциядаги «Ларусс» нашриёти «Кичик Ларусс» изоҳли луғати сўнгги нашрининг 180 минг нусхасини сотувдан қайтариб олиш тўғрисида қарор қабул қилишига фирманинг катта обрўсини сақлаб қолиш нияти сабаб бўлгани йўқ, асло. Гап шундаки, «кичкина техник хато» туфайли нашрнинг 203-саҳифасидаги жадвалда истеъмол қилган одамни албатта ўлдирадиган қўзиқоринлар ейиш мумкин бўлганлари қаторига кириб қолган.

10 июль куни сотувга чиқарилган янги луғатни сотиб олишга улгурган муштарийларнинг мактубларидан ташвишга тушган нашриёт уни сотиш тўхтатилганлигини эълон қилди ва харидорларга мурожаат этиб, луғатларни улар сотиб олинган китоб дўконларига қайтаришни сўради. Бунинг ўрнига «Ларусс» жуда қисқа муддат ичида китобнинг тузатилган «хавфсиз варианти»ни таклиф қилиши тўғрисида ваъда берди.

(ТАСС).

ҚАРОРЛАР БАЖАРИШ УЧУН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Партия ташкилоти олиб бораётган иш самараси — ўзи қабул қилган қарорнинг ижросида. КПСС XXVIII ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездларида ҳам партия ҳаётининг ана шу муҳим қиррасига алоҳида урғу берилди. Қарорбозликка барҳам, қабул қилинган қарорларнинг ижросиз қолаётгани партия ташкилотларининг обрў-эътиборига салбий таъсир кўрсатишига сабаб бўлаётгани таъкидланди. Жамоатчи мухбиримиз Р. Абдураҳмоновнинг Қумқўрғон районидаги «Пахтакор» давлат хўжалиги механизатори, КПСС XXVIII съезди делегати Шайдулло ОМОНОВ билан суҳбати ҳам асосан шу мавзуда бўлди.

— Аввало, XXVIII съезд ҳақида таассуротларингиз, партия ичидаги ҳозирги аҳвол ҳақида гапириб берсангиз?

— Ҳаётий тажрибам катта эмас, 30 ёшдаман. Партия сафига кирганимга 5 йил бўлди. Аммо кейинги бир йил мобайнида партия ичидаги вазият анча мураккаблашганлигини ҳаммамиз ҳам ҳис этиб турибмиз. Буни XXVIII съезднинг жуда ҳам шиддатли курашлар билан ўтганлиги ҳам тасдиқлайди. Мени оддий ишчи сифатида съездда икки нарса таажжублантирди: илгари мен юқори лавозимдаги кишилар, олимлар жуда ҳам босиқ бўладилар, ҳеч қачон шошмайдилар, деб ўйлардим. Янглишган эканман, съездда кўрдимки, улар ҳам ўрни келса овозларини баралла кўтариб, ҳис-ҳаяжонга берилиб кетишаркан. Кўпчилик делегатларни, шу жумладан мени ҳам ранжитган нарса шу бўлдики, айрим раҳбар ходимлар 25-30 йил партия сафида бўлиб унга эътиқод қўймаганлар. Менимча, улар ўз шахсий фикрини съездга ўтказа олмаганлиги учун ҳам партия сафидан чиқаяптилар. Ваҳолонки, уларнинг кўпи шу партия сафида улғайишган, обрў-эътибор топишган. Аммо шуни ҳам айтайки, партиядан чиқиш ёки бошқа партияга ўтиш билан мамлакатдаги оғир вазиятни тузатиб бўлмайди. Аксинча, қайси партияда бўлишидан қатъи назар кишида чин инсоний фазилатлар бўлиши, у халқнинг манфаатини кўзлаб, сидқидилдан меҳнат қилиши лозим. Партия ҳозир янгиланиш йўлидан бориб меҳнаткашларнинг фаровонлиги учун курашаётган экан, мана шу партияда туриб обрў топган кишиларнинг оғир вазиятда уни ташлаб кетишлари инсофдан эмас. Бу — фақат менинггина эмас, кўпчилик оддий коммунистларнинг ва ҳатто партиясиз оддий меҳнаткашларнинг ҳам фикри.

— Кейинги пайтларда партиянинг обрўси тушиб кетишига унинг сўзи билан иши бирлиги таъминланмаётганлигини ҳам сабаб қилиб кўрсатишмоқда. Сизнингча, партия йиғилишида қабул қилинган қарорларнинг ҳеч сўзсиз бажарилишини қандай таъминлаш мумкин?

— Съездан қайтганимдан буён, ҳали ҳозир ҳам

КОММУНИСТ МУЛОҲАЗАЛАРИ

кўплаб меҳнат жамоалари вакилларига съезд таассуротларимни гапириб беряпман. Кўпчиликни ҳам айнан ана шу сабаб қизиқтиради. Нега партиямизнинг обрўси тушиб кетяпти? Нега кўпинча чиройли гапирамизу, бир-биридан ажойиб, бир қарашда мукаммал қарорлар қабул қиламизу, ишимиз эса орқага кетаяпти?

Очиғи, илгари ҳам бундай саволларга дуч келардим. Бироқ бунга унчалик аҳамият бермасдим. Энди эса бу савол мени жуда ташвишлантиряпти, унга жавобни эса кундалик ҳаётимизнинг ўзи айтиб турибди. Юқори ташкилотлар катта тадбирлар белгилаш, устма-уст қарорлар қабул қилишга кўникиб қолишган. Назоратнинг камлиги, талабчанлик бўш бўлганлиги учун қуйи ташкилотларда бу қарор ва тадбирларга амал қилишмайди. Айниқса, кейинги йилларда йиғилишлар номигагина ўтказиладиган, кун тартибидаги масалалар коммунистлар учун аҳамиятсиз бўлиб қолган эди.

Мен хўжалигимиздаги 1- ва 2-бўлимлар коммунистлари уюшган цех партия ташкилоти ҳисобида тураман. Ташкилотимизда 12 нафар коммунист бор. Шу бўлимлардаги ишчи-хизматчилар 200 нафардан кўп. Демак, партиялилар сон жиҳатдан ўртача миқдорда. Бироқ цех партия ташкилоти (котиби Жовли Абдураупов) фаолиятини қониқарли дея олмайман. Сабаби — шу йил давомида партия юқори ташкилотларидан йўлланган бирон-та ҳужжатнинг йиғилишда муҳокама этилганини эслай олмайман. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳани илгари силжитадиган бирон бир масала ҳам ўрганилмади, ишлаб чиқилмади. Ўз ҳақ-ҳуқуқи ва ривожи учун курашмаган бундай партия ташкилоти ва унинг котибига, турган гапки, партиясизлар ишонишмайди. Коммунистларда бундай фаолиятсизликнинг пайдо бўлишига, очиғини айтганда, раҳбарларнинг партия ташкилотини писанд қилмасликлари ҳам сабабдир. Чунки раҳбарлар партия ташкилоти котибига қараганда участка бошлиқларига кўпроқ ишонадилар.

Биласизми, ўтказилган йиғилиш ва мажлисларнинг ҳатто ҳужжатлари ҳам сақланиб қолмаган. Кейин хаёлимга хўжалигимиз партия комитети қарорлари ва уларнинг қандай бажарилаётгани билан ҳам қизиқишим керак, деган фикр келди. Буни қарангки, бу ердаги аҳвол ҳам цех партия ташкилотидагидан деярли фарқ қилмас экан. Қисқаси, хўжаликнинг 90 нафар фаол, илғор кишилари саналган коммунистлар уюшган ташкилотимиз деярли фаолиятсиз. Айтингчи, мана шундай бўлгач кўпчилик наздида партия ташкилотининг ҳам, у қабул қилган қарорларнинг ҳам обрўси, таъсир кучи қоладими?

— Районнинг бошқа хўжалик ва ташкилотларидаги партия комитетлари фаолияти ҳақида фикрингиз қандай? Балки уларда аҳвол бошқачадир?

— Яқиндан таниш бўлмаганлигим учун бошқа хўжаликлар партия ташкилотларидаги аҳвол қандай эканлиги тўғрисида аниқ гап айтолмайман. Аммо бир мисол келтираман. Биз яшаб меҳнат қилаётган жойлар қадимда Бандихон дашти деб номланган. Шу даштни ўзлаштириб, пахта, ғалла, мева, полиз ҳамда чорва маҳсулотлари етиштираётган «Пахтакор», Ғафур Ғулом номли, Ойбек номли, «Дўстлик» давлат хўжаликлари район марказидан 30-50 чақирим, вилоят марказидан эса 90-120 чақирим узоқда. Автобус қатнови жуда ёмон, телефон алоқаси йўқ. Ана шу тўртта совхоз аҳолиси учун бизнинг хўжалигимиз марказида 150 ўринли касалхона қуриш зарурати ҳақида гапирилаётганига 5 йил бўлди. 1989 йил бошида ниҳоят «Қизириқ» қишлоқ Совети сессияси қарорига биноан шифохонани лойиҳалаштириш масаласи ҳал бўлганди. Бироқ 1990 йил ҳам охирлаяптию, аммо лойиҳадан эса дарак йўқ. Ўзингиз ўйланг, саноатни хом ашё, шаҳар аҳолисини гўшт, сут, мева, сабзавот, қовун, тарвуз билан таъминлаш учун қиш изғирини, ёз жазирамасига чидаб меҳнат қилаётган чўлқуварларни йиллаб қуруқ ваъдалар билан алдаган айрим «коммунист» раҳбарларга ҳалқ ишонадими? Шу боис ҳам кейинги пайтларда партия ходими берган ваъдага ишонмайдиган, унинг режаларига шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолишган.

Яқинда кишилар билан учрашув ва суҳбатлар муносабати билан район партия комитетининг ўтган йил июнь ойида бўлиб ўтган пленумида билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида белгиланган тадбирлар билан танишиб чиқишга тўғри келди. Анчагина фойдали ишларни бажариш кўзда тутилган экан. Агар бу тадбирлар амалга ошгудай бўлса, район халқига шубҳасиз, катта нафи тегарди. Аммо мазкур тадбирларнинг қоғозда қолиб кетаётганлиги мени жуда афсуслантирди. Жумладан, район прокурори аҳолига минерал ўғитлар сотадиган махсус магазин ташкил этишни, Ғафур Ғулом номли совхознинг собиқ директори Т. Мамараимов минерал ўғитлар қабул қиладиган, сақлайдиган ва хўжаликларга тарқатадиган замонавий омбор қуришни таклиф этган ва мазкурланган, уларнинг ижроси район ижрокоми, деҳқончилик саноати давлат бирлашмаси зиммасига юклатилган, назорат қилишни эса район партия комитети ўз зиммасига олган эди. Мана, бир йил ўтди ҳамки қабул қилинган қарорларнинг бажарилишида бир қадам ҳам силжиш бўлгани йўқ. Шу тадбирлар қаторида Т. Мамараимов таклифи билан Ғафур Ғулом номли хўжалик марказига автобус қатновини йўлга қўйишни 1989 йилнинг учинчи кварталида амалга оширилиши белгиланди. Автобусдан эса ҳалигача дарак йўқ.

Яна бир мисол. Шу йил 27 апрель куни бўлиб ўтган райком бюросининг мажлисида «Москва» жамоа хўжалигидан коммунист А. Назаров район «Билим» жамиятининг иши қониқарсизлигини танқид қилган, бюро эса бу камчиликни тугатиш, жамият ишини йўлга қўйишни мафкура бўлимига топширган эди. Мана орадан неча ойлар ўтди, лекин шу пайтгача меҳнаткаш меҳрини қозонган лектор ёки тарғиботчини шахсан мен далада учратганим йўқ.

Ҳўш, бу тадбирлар нима учун қабул қилинганди? Яна қаерда қабул қилинган денг, райком пленумида! Аввало шу таклифларни пленум муҳокамасига қўйган киши минглаб меҳнаткашларнинг манфаатини кўзлаб гапирган. Қолаверса, у масаланинг яқин ўртада ҳал этилиши ҳақида меҳнат жамоасига бориб ахборот ҳам берган. Демак кишилар келгусида бажариладиган ишларга катта умид билан қарашган. Бироқ, афсуски, амалда сўз бошқаю иш бошқалигича қоляпти.

Яна бир гапим бор. Ўзбек тилига давлат мақоми берилганига қарийб бир йил бўляпти. Ҳамма ўзбек тилида гаплашадиган дашт шароитидаги хўжалик, ташкилот, муассаса ва идоралардаги ёзувларнинг кўпи эса ҳалигача рус тилида. Аксарият маҳаллий халқ ишлайдиган идоралар пештоқида «Режим работы», деворларида «С днём рождения», бинолар олдида ва йўллар четида «Слава КПСС» сингари шиор ва плакатлар осиғлиқ турибди. Хўш, партия ташкилотлари, коммунистлар нега бунга бефарқ қараб келаётир?

— Съезд делегати сифатида қайта қуришнинг тўла муваффақият қозониши, партиянинг аввалги мавқеи тикланишига шахсан ишонасизми?

— Қайта қуришни мен йилнинг фаслларига ўхшатаман. Баҳор келиши билан табиат уйғонади, бутун жонзод ҳаракатга тушади, ёзда қаттиқ меҳнат қилинса, кузда ана шу меҳнат самараси юзага чиқади, тўкин-сочинлик бўлади ва ҳоказо. Хуллас, фасллар бизни қизғин меҳнат қилишга ҳам, дам олиш ва завқланишга ҳам чорлайди. Улар бизнинг қалбимиздан жой олган. Бугунги янгиланиш, қайта қуриш ғоялари ҳам одамларнинг дилидан жой олди. Биз — коммунистлар бу ғояларни қанчалик изчиллик ва собитқадамлик билан турмушга тадбиқ эта борсак, халқнинг бизга ишончи ҳам шунчалик ортади, партиянинг обрўси ҳам албатта, тикланади. Зеро, партиянинг кучи, унинг қарорлари амалга ошиши ҳам бевосита коммунистлар фаоллигига, уларнинг масъулиятига боғлиқдир.

ХУШХАБАРЛАР

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИДАН КЕЙИН

ХОНАДОНЛАР ШАХСИЙ БЎЛДИ

● Фарғонада яшовчи Улуғ Ватан уруши иштирокчилари ҳаётида ҳаяжонли воқеа юз берди. Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонига биноан Фарғонадаги тўрт мингдан зиёд уруш ветеранидан дастлабки тўқсон киши танланали вазиятда ҳозир ўзлари яшаб турган давлат фондидаги хонадонлар уларнинг шахсий мулкига айлангани тўғрисидаги гувоҳномаларни олди. Улар орасида фронтчилар П. К. Мельников ва Е. М. Вайсблюм, М. Қосимов, А. М. Сахно, Е. М. Верескун ва бошқалар бор.

Шу муносабат билан йиғилишда сўзга чиққан уруш ветеранлари Ўзбекистон ССР Президентига шу қадар инсонпарвар совға учун самимий миннатдорчилик билдирдилар.

В. ТАТАРИНОВ,
(ЎзТАГ).

АСАЛАРИЧИЛАР ЮТУҒИ

● Ленин йўли номидаги «Янгийўл» асаларичилик совхози коллективи давлатга асал сотиш йиллик планини ошириб бажарди.

Беш тонна аъло сифатли шифобахш маҳсулот тайёрланди. Маҳсулотнинг деярли ҳаммаси Ўрта Осиё «Асал» фирмаси орқали Грецияга сотилди. Шартнома бўйича хўжалик бу мамлакатга йил охиригача яна шунча маҳсулот етказиб беради.

Хўжалик эришаётган муваффақиятда И. Очилов, Т. Очилов, Г. Холиқов, И. Абдураимов, С. Имомов каби асаличиларнинг ҳиссаси катта.

С. ОМОНТУРДИЕВ.

УРАЛЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

● Ёзёвон районидаги «Шарқ юлдузи» колхози Уралдаги Вер-Исецкий металлургия комбинати билан дўстона алоқалар ўрнатганига кўп вақт бўлгани йўқ.

Шунга қарамасдан, колхозчилар билан металлургчилар ўртасидаги муносабат мустаҳкамланиб бормоқда. Яқинда хўжалик деҳқонлари Уралга ёз ноз-неъматларидан жўнатишганди. Ишчилар ҳам бу илтифотга илтифот билан жавоб беришди. Хўжаликка 16200 дона шифер, 10 тонна тунука ва бошқа кўплаб қурилиш материаллари юборишди.

А. МАДРАҲИМОВ.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий банкининг дастлабки одимлари

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Дарвоқе, яқинда Франциядан хушхабар олдик. Бизга улар бир неча мутахассисни бепул ўқитиб беришни таклиф қилишмоқда. Бир қатор Осиё мамлакатларининг банклари ҳам шундай таклиф юборишди. Декабрь ойида Ўзбекистоннинг бир гуруҳ иқтисодчилари Германия Федератив Жумҳуриятига ўқишга боради. Улар орасида бизнинг ҳам вакилимиз бор. Аслида бу ишни СССР Ташқи иқтисодий банки уюштириши, мувофиқлаштириши керак эди. Лекин унинг ишида зарур ўзгаришлар бўлмаётибди. Биз эса кутиб туролмаймиз.

Ўз фаолиятимизни жумҳурият Ташқи савдо алоқалари давлат қўмитаси, шунингдек, Савдо-саноат палатаси ва бошқа ташқи иқтисодий ташкилотлар билан ўзаро самарали ҳамкорлик асосида олиб борамиз.

— Сиз банк билан ҳамкорлик қилувчи асосий мижозлар ҳақида сўз юритдингиз. Аммо банкингиз фаолиятидан бутун бошли жумҳурият, унинг аҳолиси қандай наф кўради?

— Бу масала ишимиздаги асосий йўналишни ташкил қилади. Банк жумҳуриятнинг бир қанча комплекс дастурларини амалга оширишда иштирок этади. Фойдали битимлар тузиш учун шерикларни қидириб топиш билан фаол шуғулланади. Ташқи иқтисодий мустақилликсиз иқтисодий мустақиллигимиз ғалаба қилиши мумкин эмас. Бу соҳада қарз беришнинг яхши йўлга қўйилган ва самарали системасидан фойдаланмай илож йўқ. Мижозларимиз шуни билишлари лозимки, уларнинг орқасида ўнлаб хорижий мамлакатларда шерикларга эга бўлган салобатли банк турибди.

Биз ўз фаолиятимизда яна бир йўналишни ҳам назарда тутяпмиз. Мумкин қадар қисқа даврда жумҳуриятимиз хом ашё базасидан тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариб сотувчи йирик ўлкага айланиши зарур. Натижада валюта оқими кўпаяди.

— Банк чет эллардан технология сотиб олишга аҳд қилган жумҳурият корхоналарига қачон молиявий ёрдам бера олади?

— Яқин қолди. Бироқ шуни назарда тутиш керакки, биз энди илгари бўлиб турганидек, қопдаги мушукни сотиб олишни бас қиламиз. Гапимга тушунгандирсиз, бизда шундоқ ҳам ўн миллионлаб сўм чет эл пулига хориждан келтирилган ускуна ва жиҳозлар ўлик юк бўлиб ётибди. Эндиликда эса фақат самара келтирадиган савдо-сотиққа пул берамиз. Бундай битимлар бизнинг эксперт-мутахассислари м и з иштирокисиз амалга оширилмайдиган бўлади. Бу бутун жаҳонда қоидага айланган. Мижозлар учун шунчаки молия манбаи бўлиб қолмасдан, тенг ҳуқуқли шерикларга айланамиз. Охир оқибатда, иштирокимизда қабул қилинган қарорлар учун масъулиятимиз ортади. Бу ўринда принцип жуда оддий: сарфланган валюта мумкин қадар тезроқ валюта ҳисобидаги фойдани келтириши зарур.

Жумҳурият ҳозиргача валютага сотиб олаётган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар оз эмас. Биз эндиликда жаҳон бозорларида рақобатлаша оладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан шерикларимиз билан фаол иш олиб бориш ниятидамиз. Шундай қилиб, кўпайган маблағларни бошқа муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш имконияти яратилади. Бу ўринда энг муҳим масала шуки, валютада қарз бериш рақобат асосида амалга оширилади.

— Сизга катта ҳуқуқлар берилибди. Лекин бу Ўзбекистон Ташқи иқтисодий банкининг мутлақ яккаҳокимлигига олиб келмайдими?


— Бундай бўлиши мумкин эмас. Ҳукумат томонидан Турар-жой-социал, Агросаноат банкларини тижорат банкларига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу банклар ҳам валюта билан иш кўрадилар... Ўз-ўзидан равшанки, ҳар қандай рақобат тараққиётни олға силжитадиган воситадир. Биз буни фақат қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳар қандай ҳолда ҳам сўнгги сўз ҳуқуқи валютанинг соҳибига тегишли. У ўзи билан энг яхши ишлаётган ва самара келтираётган банкка афзаллик беради. Биз ҳам мижозларимиз миқдори кўпайишига интиламиз. Иккинчи томондан, мамлакатда яратилаётган валюта бозори ҳам банкларни мумкин қадар жадал ишлашга рағбатлантиради. Ҳеч шубҳа йўққки, мижоз валютани ўзига фойдалироқ банкдан сотиб олади. Буни ҳисобга олмай иложимиз йўқ.

ДЕПУТАТ БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

Бугунги кунда депутат деган шарафли номни оқлаш осон эмас. Буни Фарғона вилояти Совети депутати, Бағдод районидаги 44-мактаб директори Валижон Жўраев ҳам чуқур ҳис этади. У айни кунларда сайловчилардан тушган топшириқларни ўз вақтида бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Валижон чўл зонасига жойлашган «Ғалаба» совхозида яшайди. Қўриқ совхознинг муаммолари эса етарли. Депутат В. Жўраев ана шу муаммоларни ҳал этиш йўлида астойдил ҳаракат қилаётир. Суратда: вилоят Советининг депутати Валижон Жўраев совхоз ишчиларидан М. Абдуллаев ва А. Раҳимқуловлар билан.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



МЕТАЛЛУРГЛАР КАСАБА УЮШМАСИНИНГ СЪЕЗДИ

Олмалиқда Ўзбекистон металлургия саноати меҳнаткашлари касаба уюшмасининг съезди ўз ишини тугаллади. Делегатлар жумҳурият металлургларининг ҳозирги босқичдаги вазифаларини муҳокама қилдилар, жумҳурият ва мамлакат касаба уюшмалари федерациясини тузиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Съездда тармоқ касаба уюшмасининг устави ва ҳаракат дастури қабул қилинди.

Н. П. Баргуз Ўзбекистон металлургия саноати меҳнаткашлари касаба уюшмаси марказий комитетининг раиси этиб сайланди.

Съездда мамлакат металлурглари касаба уюшмаси марказий комитетининг ташкилий бўлими мудири Б. Д. Глюзицкий нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«БИРДЕК ТАРТИБ БЎЛСИН»

Газетамизнинг 26 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола эълон қилинган эди. Унда қатор партия, Совет органлари ҳақ тўламасдан темир йўл билетларини брон қилишаётгани, кўп ҳолларда билетлар сотилмай, бундан давлат ҳам, йўловчилар ҳам зарар кўраётгани танқид қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛ БОШҚАРМАСИдан расмий жавоб олинди. Унда жумладан шундай дейилади:

Мақолада келтирилган фикрлар бошқарма томонидан кўриб чиқилди. Дарҳақиқат, Марғилон, Андижон станцияларида партия ва совет органлари учун тегишли ҳақ тўланмасдан билетларни брон қилиш белгиланган. Чунки бу органларнинг бюджети йил охирига планлаштирилган бўлиб, улар ортиқча пул маблағларига эга эмас эдилар.

Келишилган шартномага мувофиқ энди бундай бронларнинг амал қилиш муддати 1 августгача қилиб белгиланди. Агар бундан кейин белгиланган брон учун ҳақ тўлашдан партия, Совет органлари бош тортсалар банд қилинган ўринлар учун умумий асосларда аҳолига билет сотилади.

«СОВУҚҚОНЛИК»

Рўзномамизнинг шу йил 12 апрель сонида танқидий мақола чоп этилган бўлиб, у юқоридаги ном билан аталган. Мақолада Пайариқ районидаги 42-ўрта мактабда молия интизоми бузилганлиги аниқ фактлар билан кўрсатиб берилган эди. Редакция ПАЙАРИҚ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИдан жавоб олди:

Мақола 19 июль 1990 йил район партия комитети бюроси йиғилишида муҳокама этилди. Шу масала юзасидан район прокурори Б. Саъдуллаевнинг, район Совети ижроия комитети раиси ўринбосари Д. Худойқуловнинг, район халқ таълими бўлими мудири Х. Утагановнинг ахборотлари эшитилди.

Мактаб директори К. Султоновга молия фаолиятининг бузилишига йўл қўйганлиги учун район халқ таълими бўлими томонидан берилган қаттиқ ҳайфсан ва мактаб бошланғич партия ташкилоти томонидан берилган хайфсан билан чегараланиш маълумот учун қабул қилинди.

Ҳозир мактабда муҳит яхшиланганлиги, районда биринчилар қаторида мактаб сифатли ремонтдан чиқарилганлиги қайд этилди.

ТОЖИКИСТОН: МУСТАҚИЛЛИК ТЎҒРИСИДА ДЕКЛАРАЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

● Душанбе, 25 август. (ТожикТА—ТАСС). 24 август куни эрим тунда янгиланган Совет федерацияси таркибидаги кўп миллатли мустақил давлат сифатидаги Тожикистон давлат суверенитети тўғрисида Декларациянинг қабул қилиниши Тожикистон ССР Олий Советининг жумҳурият пойтахтида ўтаётган сессиясида асосий воқеа бўлди.

Жумҳурият бўлажак сиёсий ва иқтисодий тузилишининг муҳокамаси ҳукумат ҳужжати тарафдорлари билан Декларациянинг муқобил варианти ўртасида ўткир мунозараларга сабаб бўлди. Муқобил вариант муаллифлари, хусусан, конфедерация учун, давлат идоралари, Давлат хавфсизлик комитети ва Ички ишлар министрлигини сиёсатдан холи этиш, миллий армия тузилиши учун ҳаракат қилишмоқда.

Бироқ аксарият депутатлар мухолифлар киритган миллий ҳарбий бўлинмалар тузиш тўғрисидаги таклифни рад этдилар. Уларнинг фикрича, бу миллатлараро можароларда кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Давлат ва суд идораларини, Давлат хавфсизлик комитети ва Ички ишлар министрлигини сиёсатдан холи этиш тўғрисидаги таклифни ҳам парламентнинг кўпчилик аъзолари маъқуллашмади.

Моддама-модда қабул қилинган ҳужжатда «барча фуқароларга, уларнинг келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволи, ирқи ва қайси миллатга мансублигидан, сиёсий ва диний қарашларидан қатъи назар, Тожикистон ССР ва ССР Иттифоқи Конституцияларида, шунингдек, ҳамма тан олган халқаро ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган барча ҳуқуқлар ва эркинликлар кафолати берилади», деб таъкидланган.

Декларацияда жумҳуриятнинг Иттифоқ шартномасида белгиланган ва қонун билан асосланган тартибда ССР таркибидан эркин чиқиш ҳуқуқи сақлаб қолиниши таъкидланган. Мустақил давлат ҳудудида жумҳурият фуқаролиги сақлаб қолинади. Тожикистон ССРнинг ҳар бир фуқароси айни пайтда СССР фуқароси ҳам бўлади.

Декларацияда жумҳуриятнинг бутун территориясида Тожикистон ССР ва унинг қонунлари устунлиги қарор топтирилиши тўғрисидаги қоида бор. ССР Иттифоқининг Тожикистон ССР суверен ҳуқуқларига зид келувчи қонун ҳужжатлари амал қилиши жумҳурият парламенти томонидан тўхтатиб турилади, зиддиятлар эса белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Қабул қилинган Декларация Тожикистон ССР Олий Советининг Раиси Қ. М. Маҳкамовнинг айтишича, жумҳурият янги Конституциясини ишлаб чиқиш ва Иттифоқ шартномасини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Олий Совет ўз ишини давом эттирмоқда. Тожикистон парламенти аъзолари яна бир қанча муҳим масалаларни кўриб чиқишлари лозим. Душанбеда оммавий тартибсизликларга ва инсонлар қурбон бўлишига олиб келган ҳаммага маълум февраль воқеаларига сиёсий баҳо бериш, миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви муносабати билан рус тилида сўзлашадиган аҳолининг жумҳуриятдан чиқиб кетиш ҳолларининг олдини олиш билан боғлиқ тадбирларни ишлаб чиқиш юзасидан парламент комиссияси амалга оширган ишлар якунларини муҳокама қилиш шулар жумласидандир.

Олий Совет комитетларида

● Граждан авиацияси ҳаётидан бир лавҳа: Қалининград шаҳрига учишга аҳд қилган янгийўллик икки колхозчи Тошкентда билет олиш учун кассирга «қистирдилар». Самолётда эса бўш ўринларни кўриб ҳайрон қолдилар. Нега бу ўринларга билет сотилмадийкин?.. Танқисликни сақлаб туриш учунми?

Бундай воқеаларга кўникиб кетганмиз, дейди йўл юраверіб корафта бўлиб кетган саёҳатчи. Лекин воқеанинг давоми бутунлай бошқача бўлди: у Ўзбекистон ССР Олий Советида муҳокама қилинди.

АЭРОФЛОТ ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУНМИ ЁКИ БУНИНГ АКСИМИ?

ТРАНСПОРТ, йўл хўжалиги, алоқа ва информатика комитетининг мажлисида колхозчилар билет сўрашлари билан касса эшикчаси шарақлаб ёпилганини ва бу ерда кейинчалик билетнинг нархидан ташқари нақд ўнталикларни санаб олганликлари, юкларининг ортиқчаси учун ҳам аввал кассага, сўнг юк қабул қилувчиларга пул қистирганликлари тўғрисида гапириб беришди. Бу иш милиционернинг кўз ўнгида, очиқчасига қилинди. Ў қаёққа қараяпти ўзи? Улар томонга-да! Милиционер ҳам ўз ҳақини талаб қилди. Унга ҳам бердингизми?

— Бўлмаса-чи... Учишга бир минут қолганида билетингизни сўраши, унга йўловчи билетни рўйхатдан ўтказишга кечикди, деб ёзиб қўйишлари мумкин. Сизнинг ўрнингизга учиб кетишни хоҳловчилар эса ҳамма вақт тайёр. Милиционерни бу ерда белгилаб қўйилган шартга биноан шубҳасиз хурсанд қиладилар.

...Комитет мажлисида деҳқонларнинг айтганларига унча ишонишмагандай бўлишди: бундай кассирлар, юк қабул қилувчилар, милиционерларни қаерда кўргансиз. Лекин синчков колхозчилар авиация мутахассисларига бу иш қандай бажарилишини тушунтира бошлашлари билан рақибларнинг нафаси ичига тушиб кетди. Улар бундай усулни колхозчилардан яхшироқ билишарди, албатта.

Халқ депутати ҳам йўловчи. Худога шукурки, эндиликда уларга депутатлар хонаси хизмат қилмаяпти. Депутат кўкрагидаги нишонни олиб қўйиб, бундай ишлар билан шахсан танишиши мумкин. Шундай қилиб депутатлар мажлис олдидан яна бир марта кассаларга боришди, билет рўйхатдан ўтказиладиган, йўловчилар самолётга чиқариладиган ерларда бўлишди.

Шундай қилиб, кун тартибига киритилган «йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш тўғрисида»ги масалага яхши тайёргарлик кўрилди. Яхшиямки, «йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш тўғрисида»ги масала эмас. Бинобарин, манфаатдор томонларнинг ҳар бири сифатга ҳам, сонга ҳам ўз фикрини билдирди. Айни вақтда Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси умуман ўз ишидан мамнун. Рақамларни рўкач қилади: биринчи ярим йилликда йўловчилар ташиш плани 2,4 фоиз, ўтган йилга қараганда эса 4,9 фоиз ошириб бажарилди. Қўшимча равишда 142 минг йўловчи манзилга етказиб қўйилди. Айниқса фойда кўпайди — ортиқча 25,5 фоиз фойда олинди.

Нима ҳам дердик, бундай кўрсаткичларга эришиш учун ҳақиқатан ҳам тер тўкишга тўғри келди. Жумҳуриятимизда янги қўналғалар ва учиш майдонлари пайдо бўлди, янги ҳаво йўллари очилди, йўлларга қўшимча самолётлар чиқарилди, ёнилғи имкониятлари қидириб топилди.

Биз, энг аввало, шонли учувчиларимиз, ҳушёр диспетчерларимиз, пишиқ-пухта ишлайдиган ремонтчиларимиз, ёқимтой стюардессаларимизга раҳматлар айтамиз, уларни шарафлаймиз! Ҳаводаги ҳар бир парвозни ҳам иш, ҳам жасорат деб билган барча аэрофлотчиларга тасаннолар айтамиз! Чунки ўз вақтида учиш ва унинг хавфсизлигига боғлиқ бўлган ходимларга ҳам оғир. Шуни афсус билан қайд этиш мумкинки, фойданинг катта қисми, яъни пландан ташқари олинган даромад улар меҳнатини тақомиллаштириш ҳисобига эришилган. Ана шу пулларнинг озгина қисми йўловчилар ва юк ташиш усулларини ҳамда авиаторлар иш шароитларини яхшилашга сарфланишини ҳам биламиз.

Тошкент қўналғаси анча катта. Бу ерда тартибсизликлар, ўзбошимчаликлар ҳам кўп. Йўловчилар белгиланганидан тўрт баравар кам ўтказилади. Ўтиш жойлари юкни кўздан кечириш, махсус назорат қилишга мослаштирилмаган. Ногиронлар ва болалар аравачалари ўтиши учун қулайлик яратиш тўғрисида ўйлаб ҳам кўришмаган. Она ва бола хоналарида 250 та ўрнига атиги 52 та ўрин бор. Юк сақлаш омборларининг сиғими ҳам талаб этиланидан икки баравар кам.

Демак, қўналға ходимлари йўловчилардан қутилсалар, шунинг ўзи бас. Билетнинг устига ҳақ тўлаб учиб кетадими, учолмай қоладими, уларга барибир. Биз юқорида тилга олган икки колхозчи ҳам қолиб кетишлари мумкин эди — Ўзбекистон қўналғаларида билет олган, лекин йил давомида самолётга чиқолмаган йўловчилар бир ярим миллион кишини ташкил этади. Ҳар уч йўловчининг бири учолмай қолаяпти!

Ҳаво йўллари марказий агентлигида ёзги мавсум авжига чиққанида кассир Л. Томаринанинг ёнидан 18 та хат, 2848 сўм пул, Москва, Одесса, Ленинград, Киев, Харьков, Львов, Боку, Ереванга ёзиб тайёрлаб қўйилган 44 та билет топилди. Турли йўналишларга учишни бошқариш навбатчиси К. Ҳасанова ғаразли мақсадда жойларни асраб қўйган экан. Кассир Д. Қурбонова билет ниҳоятда танқис бўлган йўналишларга номи кўрсатилмаган билетларни бериб юбораверган. Улар ортиқча нарх билан қўналғада сотилаверган. Шу ернинг ўзида Ғ. Жўраев, Р. Тошмуҳамедов сингари воситачилар ушланди.

Бундай фирибгарлик пайини «Сирена—3» системаси маълум даражада қирққан бўлур эди. У билетни тез расмийлаштириш билан бирга, шу билан боғлиқ ишларни жумҳурият миқёсида назорат қила олади. Лекин уни ишга туширишга шошилмаяптилар. Бу ерда тартиб ўрнатишга унча қизиқмаётганликлари кўриниб турибди.

Боз устига бир вақтлар тартиб ўрнатишга маълум даражада кўмаклашган оқилона тадбирларни ҳам йўққа чиқаришмоқда. Чунончи, ҳаво йўллари Марказий агентлигининг қўналғанинг ўзидаги кассирларини қисқартириб юбордилар ва йўловчиларни бўш ўринлардан хабардор қилиш жуда мушкул бўлиб қолди.

Нопок кассирлар ҳозирги «Сирена»дан жуда яхши фойдаланишмоқда. Чунончи, 9 июль куни, Наманган қўналғасида йўловчилар талабисиз 72 та ўрин фойдасига сотиш учун олинган. Тошкент қўналғасидан биринчи ярим йилликда шундай йўл билан 108 минг 300 та ўрин «сув» қилиб юборилган.

Шундай қилиб, «ўсиш рақамларига» диққат бера бошлайсан. Хўш, бу ўсиш нимага нисбатан бўлаяпти? Ўтган йилга нисбатан эканлиги маълум. План ҳам шунга қараб бажариляпти. Имкониятлар билан таққосласак-чи? Аэрофлотнинг йўловчилар олдидаги мажбуриятлари-чи? Ҳозир Ил-86 самолетлари ҳар. гал ҳавога кўтарилиб, манзилга йўл олганида ўтган йилга нисбатан бўш ўрин иккита кўп бўлмоқда. Бошқа, Ил-62 сингари катта самолетларда аҳвол бироз дуруст. ТУ-154 ҳаво кемасига тижорат юкларини ортиш анча камайди.

Кассирларнинг яна бир «ўйини» бор — улар бир ўринга иккита билет сотишни одат қилишган. Тошкентда, фақат июль ойининг ўзида 370 нафар йўловчи шу сабабли йўлдан қолиб кетди, 370 кўнгилсиз ҳодиса, алданган умидлар...

КИМ айбдор? «Фақат биз эмас!» — дейишади улар. Гўёки, улар — Москва, Сочи, Минеральние Води шаҳарлари самолетлардан ёмон фойдаланишаётган эмиш... Нима дейиш мумкин, у ерда ҳам кимларгадир танқис билетлар ҳисобига даромад олишдан маҳрум бўлгандан кўра, бўш ўринли самолетни учириб юборган фойдалироқдир.

Бизнинг совет йўловчиларимиз билан пачакилашиб ўтиришмайди. Лекин меҳмонларимиз ҳам авиация хизмати қандай йўлга қўйилганлигидан гаранг бўлишмоқда. Бир куни Тошкент аэропортида тўсатдан 12 нафар хорижликни кўриб қолишди — улар уч кун мобайнида омборлар ёнидан кетолмай юкларини топширишга уринишарди. Хорижий йўловчиларга ёмон хизмат кўрсатилиши оқибатида самолётлар белгиланган вақтда учмасдан, кечикиб қолмоқда. Ҳатто идиш етишмаслиги натижасида самолет ичига озиқ-овқат кеч етказиб берилаётганлиги сабабли ҳам шундай ноҳуш ҳодисалар бўлмоқда.

Ҳолбуки самолетларнинг жадвалга мувофиқ муттасил парвози (шундай ўлчов бор) 2,5 фоиз камайди. Бошқача айтганда, самолетлар белгиланган вақтда учиши тез-тез кечикадиган бўлиб қолди. Ана энди иқтисодиётимизнинг кучига шубҳа қилиб кўрингчи: ёмон ишлаймиз — лекин пландан ташқари фойда оламиз!

Қонунни ишга соладиган вақт келмадимикин? «Ўрта осиё транспорт поркуратураси ва жойлардаги транспорт прокурорлари ҳаво йўловчиларига хизмат қилиш сифатини таъминлашга доир қонунлар аниқ ва сўзсиз бажарилиши устидан прокурор назорати ўрнатишга муттасил эътибор бериб келаяптилар». Бу «ҳаво йўловчиларига хизмат қилишни яхшилашга қаратилган амалдаги Қонун қониқарсиз бажарилаётганлиги тўғрисида»ги ахборотнинг муқаддима қисмидир. Ахборотда ана шу муқаддимадан сўнг танқидий фикрлар айтилади, бўлаётган воқеаларга нисбатан ғаболовчилар ҳам айланма зиналардан юкини олиб чиқишга кучи етавермайди-да. Ўзингиз фаҳмлаб турибсизки, бу вақтда эскалаторни ҳам ўчириб қўйишганди.

Комитет раиси Ғ. Заҳриддинов билан мажлис тугаганидан сўнг шулар хусусида суҳбатлашдик.

— Авиаторларимиз фаолиятига бир хил баҳо бериш мумкин эмас. Ажойиб меҳнаткашлар кўп. Ходимлар орасида йўловчига олакўз билан ёки фойда олиш манбаи сифатида қараш сингари ярамас одатлардан қутилишдан кўра, самолет ҳайдаган енгилроқ бўлса керак.

Ҳар йили олтмиш миллионга Тўғри, тезюрар автобус ва поездгина самолёт билан рақобат қилиши мумкин. Уларда барча қулайликлар яратилган бўлиши зарур. Бу ишни йўл ҳақини белгилаш сиёсати билан ҳам рағбатлантириш мумкин. Авиациянинг имкониятлари, учувчиларнинг куч-ғайратлари, учиш майдонлари ҳамда қўналғаларнинг имкониятлари эса узоқ ва ўрта масофага учувчи самолётларга қаратилади.

Ўзбекистон пайтахти ҳозирги қўналғасининг тақдири тўғрисида ҳам ўйлайдиган вақт келди. Албатта, самолётга троллейбусда боришдан ҳам кўра қулайроқ имконият йўқ. Лекин, тўрт томонидан шаҳар ўраб олган қўналға иншоотларига одам сиғмай қолди, торлиги билинмоқда, бунинг устига қўшни даҳалар билан ёнмаён бўлиш ҳам фойдали эмас.

Қўналғани эртами кечми, шаҳардан ташқарига — эҳтимол, Чиноз ёки Келес томонларга кўчиришга тўғри келади. Бу иш босқичма-босқич бажарилиши керак: ҳозирги қўналғага яна кўп йиллар мобайнида яқин ва ўрта масофаларга қатновчи самолетлар қўнмоғи зарур. Марказий қўналға узоқ масофаларга учадиган самолётларнинг бекати сифатида сақланиб қолади ва хизмат қилади: бу ерда билетини рўйхатдан ўтказиб, юкини топширган йўловчи Аэрофлот автобусида 50-60 минут ичида ҳаво кемасининг зинапояси ёнига етиб боради. Масофа худди Москвадагидек — марказдан асосий қўналғаларга етиб борадиган йўл оралиғига тенгдир.

Жуда қимматга тушади дейсизми? Энди ўзингиз ҳисоблаб кўринг: ҳозирги қўналғани кенгайтириш учун зарур бўлган неча минглаб гектар суғориладиган ерни ўзлаштириш қанчага тушаркин? Ҳозирги қўналға остоналари яқинидаги даҳалар ўрнига, узоқ ерларда уй-жойлар қуришга қанча пул кетаркин? Ҳаммасини ҳисоблаб чиқиш керак. Экологларнинг тавсияларини ва айниқса хавфсизлик масалаларини ҳам ҳисобга олмоқ лозим. Шу жумладан турли-туман «фавқулодда ҳодисалар» эътиборга олиниши шарт. Чунки бош қўналғамиз йўловчилар тўс-тўполон ичида самолётга ўтириш олдидан топшираётган юкларнинг нималардан иборат эканлигини аниқлашга зўрға улгуряпти.

...Энди яна мажлислар залига қайтайлик. Ҳаво йўлларининг ташкилотчиларига одатдан ташқари, лекин оддий бир тажриба натижаларини айтишганида, улар анча довдираб қолишди. Депутатларнинг бири шундай тажриба ўтказган эди: у байроқчалар ўрнатиб қўйилган жойлардан, байроқчаларнинг бирини олиб ташлайди, у учишга тайёр турган самолёт зинапоясига етиб боргунича, ҳеч-ким халақит бермайди, шундан кейин самолётга кўтарилади. Бу граждан авиацияси бошқармасининг биносига киришдан осонроқ эканлиги маълум бўлди. Граждан авиацияси бошқармаси биносининг остонасида ўтирган қоровул ҳеч қачон мудрамайди. У нимани қўриқлайди? Аэрофлотнинг сирларинимми? Ҳар ҳолда бу ерга шикоят билан, эътироз билдиргани ва маслаҳат бергани келадиган кишиларнинг ҳужумини даф қилишга тайёр турган бўлса керак...

● Комитет граждан авиацияси бошқармаси иши кўнгилдагидек эмаслигини эътироф қилди. Қарорнинг ижроси келаси йил апрель ойида текширилиб, кўриб чиқиладиган бўлди.

Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ шарҳловчиси.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ



● Ю. А. ГАГАРИН номли космонавтларни тайёрлаш марказида Япония ва Англия фазогирларининг совет космонавтлари билан биргаликда учишга тайёрлаш қизғин олиб борилмоқда. Япониялик Рноко Кикути ва Тойехиро Якияма ҳамда англиялик Хелен Шарман билан Тимоти Мэйе машқларда қатнашишди. Бу машқлар Кустанай шаҳрига яқин жойда ўтказилди.

Суратда англиялик космонавт қиз Хелен Шарман ва япониялик космонавт Тойехиро Якияма.

А. ПУШКАРЕВ олган сурат (ТАСС).



● ҚОЗОҒИСТОН ССР. Машҳур хўжаликлардан бири «Худенковский» кооперативида кўпгина ишбилармон кишилар меҳнат қилишади. Сиз тасвирда кўриб турган Михаил Ли ҳам ана шундайлардан биридир. У моддий-техника таъминоти звеносини бошқаради. Бу ишнинг сирларини у Токаш Бокин номли совхозда директорлик қилганида билиб олган эди.

И. БУДНЕВИЧ олган сурат (ТАСС).



● УКРАИНА ССР. Уй деразалари яхшилаб беркитилди. Ана шу пайт Екатерина Ивановна Шпакович йиғлаб юборди. Чунки у ўз қадрдон қишлоғи Марьяновка билан хайрлашмоқда. Авария туфайли яна бир қишлоқ ҳувиллаб қолди. Бу қишлоқ Чернобиль атом электр станциясига яқин жойда жойлашган. Ана шунинг учун ҳам бу кекса аёл Ватанини тарк этишга мажбур бўлди.

В. СОЛОВЬЕВ олган сурат (ТАСС).

• Муштарий бонг уради •

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

САВОБ

Баракали, малакали меҳнат домла номини улуғлади. Тошкент шаҳрида янги ташкил топган Акмал Икромов райони ҳудудидаги жойлар яқинигинада қишлоқлардан иборат бўлиб, Қатортол қишлоқ Советига қарарди. Ўша вақтларда Рустамхўжа ака ўзи туғилиб ўсган қишлоқда домлалик қилди. 1927 йили чаласаводликни битириш курси очиб, одамларнинг саводини чиқаришдек савобли ишларга қўл урди.

Кейинроқ бошланғич мактаб очди. Унда узоқ вақт мудирлик қилди. Тўлиқсиз ўрта мактаблар очилишида бош-қош бўлди. Умрининг охиригача мактабларда илғор методларни кенг қўллаб, малакали дарс берди. Бугунги кунда шу атрофдан етишиб чиққан ўқимишли кишиларнинг аксарияти Рустамхўжа Бобоевни ўз устози деб тан олади.

Кеча пойтахт шаҳарнинг А. Икромов районида очилган янги 287-мактабга домламизнинг номи берилиши, баобрў зиёкор номи абадийлаштирилгани бежиз эмас. Р. Бобоев шу атрофда биринчи бўлиб Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи деган муборак унвонга сазовор бўлган, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва қатор медаллар нишондори.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
журналист, СССР Журналистлар союзи мукофотн лауреати.

ЛУҒАТ ҚАЧОН ЧИҚАДИ?

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг луғатшунос олимлари олдида ўзбек тилининг кўп томлик изоҳли луғатини тузишдек жуда муҳим бир масала турибди. Бундан бир неча йил бурун бу ҳақда махсус қарор ҳам чиққан ва унда бу луғат ўн томдан иборат бўлиши кераклиги кўрсатилган эди.

Луғатни Ўзбекистоннинг илмий жамоатчилиги, маданият аҳли, ёзувчилар, журналистлар жуда сабрсизлик билан кутмоқдалар. Агар луғат устидаги ишлар ўз маромида олиб борилганида ҳозир унинг бир-икки томи нашр этилган, ҳеч бўлмаганда тайёрланиб, нашрга топширилган бўлиши керак эди. Мутасадди олимлар, институт раҳбарлари ўзларининг турли ҳисоботларида «луғат тузилмоқда», «луғат тузиш ишлари қизғин бормоқда» каби ваъдалар билан шу пайтгача келдилар.

Мана, ниҳоят, яқинда «Ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузувчилар учун инструкция» (Тошкент, 1990) чоп этилди. Инструкция «Кириш», «Ўзбек тилининг кўп томли изоҳли луғати, унинг манбалари ва хронологик чегараси ҳақида»ги тушунтириш мақоласи ва 11 бобдан иборат. Унда «Шартли қисқартмалар ва белгилар», «Составли грамматик белгилар», «Манба қисқартмалари рўйхати», «Муаллифлар номини қисқартириш намуналари» (92-96 бетлар) ҳам берилганки, буларни ўқиган кишида, «Демак, кўп томли изоҳли луғатни тузиш ишлари жадаллашиб кетибди-да» деган тасаввур ҳосил бўлади. «Инструкция»ни синчковлик билан ўқиган ва бу ишлардан хабардор бўлган киши унинг мазмуни, моҳиятини тез тушуниб олади.

«Кириш»да муаллифлар кейинги вақтларда чиқарилган ўзбек тилининг икки томли изоҳли луғатини, икки томли русча-ўзбекча луғат ва бир томли ўзбекча-русча луғатларни катта бир «ютуқ» сифатида қайд этадилар. Аслида мана шу луғатларни профессор А. К. Боровков раҳбарлигида нашр этилган «Ўзбекча-русча» (1959) ва «Русча-ўзбекча» (1954) луғатлари билан қиёс қилсангиз, уларнинг орасида сўз бойлиги жиҳатидан фарқни деярли кўрмайсиз. Инструкция авторнинг 1981 йилда Москвада чоп этилган икки томли изоҳли луғатда Октябрь инқилобидан то 1970 йилларгача бўлган ўзбек тили лексикаси акс этган (4-бет) деган сўзлари ҳам тўғри эмас. Луғатда берилган мисолларнинг деярли асосий қисми 60-йилгача, жуда оз қисми эса нари борса 60-йилларнинг бошларигача нашр этилган адабиётлардан олинган. Шунинг учун ҳам бу луғатлардан кўпчилик мамнун бўлган эмас. Аксинча улар Омон Матжон, Темур Пўлатов, Мурод Муҳаммад Дўст, Мирза Кенжабоев, Аҳмад Отабоев, Ғайбулла Саломов каби кўплаб ёзувчи, адиблар томонидан жумҳурият ва марказий газета-журналларнинг саҳифаларида, турли йиғинларда қаттиқ танқид қилинди. Булардан луғатшунос олимлар жиддий хулоса чиқариб олишлари керак эди.

«Кириш»да кўп томли луғатни ҳақида ҳам бирон бир таъинли сўз йўқ. Аввало, аниқ ўрганиб чиқиш керак: ўн томли изоҳли луғатни тузиш учун бўлимда тўпланган картотека фондидаги сўзлар етадими? Ахир 1989 йилнинг ёз ойларигача бу фондда жами бўлиб 1.500.000 дан сал кўпроқ сўз (қайтариқлари билан) борлигини (аниқ маълумотини мутасадди илмий ходимлардан, унинг ҳисоб-китобларини кўриб) билганмиз. Бундан буёғига ҳам яна, ана боринг, 500-600 минг сўз йиғилган бўлсин. Хўш, бу икки-икки ярим миллиондан иборат бўлган бўлим картотека фондида қайтарилмайдиган сўзлар миқдори қанча. Буларнинг ичидан ҳам изоҳли луғатга олиниши лозим бўлганларининг миқдори чамалаб кўрилганми? Шулардан ўн томли изоҳли луғатнинг яратилишига олимларнинг ишончлари комилми? Йўқ, асло. Ана шунинг учун «Инструкция»да бундай маълумотлар ҳақида лом-мим дейилмади. Ҳозир луғат бўлими луғат картотекасини машинада кўчиришга ўтиб, «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли РАСУ деб аталган ташкилот билан шартнома боғлашган: булар институт луғат бўлими берган китобларни бир нечалаб нусхада кўпайтириб ксеро қилиб, кесиб берадилар, бўлимдаги бор-йўғи 2-3 лаборант (катталар бир неча йиллардан бери ўз диссертациялари билан овора. Улар ҳам 3 киши) шу карточкаларнинг тепасига «Бош сўз» чиқариш билан шуғулланадилар. «Бош сўзи»ни чиқаришга ва алфавит қутисига тушишга муштоқ бўлиб, уюлиб ётган сўзлар сон-мингта. Булар тартибсиз ҳолда ётибди.

Аслида картотека фонди бир-бир ярим миллион карточкага етганида бундан кейин адабиётлардаги сўзларни ёппасига карточкага кўчира бермай танлама метод асосида иш кўришга ўтиш керак эди, яъни бўлимнинг барча ходимлари адабиётларни ўзлари ўқиб, «Бош сўз» қилиб олинадиган ва фондга ўтказиладиган сўзларни танлаб, уларнинг тагига чизиб, сўнг карточкаларга кўчирганлари маъқул. Ёппасига машинада текст кўчириб, ҳамма сўзларни йиға бериш — бу илмий меҳнатдан қочиш, давлат маблағини эса беҳуда сарфлашдир. Чунки бир карточкага давлат 4 тийин тўлайди.

Хўш, бундай ҳолда луғат қачон тузилади? Кўп томли изоҳли луғатни тузишдан аввал ана шу картотека фондидаги сўзлар тинмай ўрганилиши лозим. Бунинг учун кўп илмий ходимларнинг биргаликдаги меҳнати талаб этилади.

Кўп томли изоҳли луғатнинг манбаларида ҳам 70-йилдан то 90-йилгача бўлган адабиёт тўла акс этмаган, Бор-йўғи ўн уч шоир ва ёзувчининг номи эски рўйхатга қўшиб қўйилган, холос. Одил Ёқубов, Мирмуҳсин, Барот Бойқобулов, Рауф Парфи, Азим Суюн, Нормурод Нарзуллаев, Машраб Бобоев, Тоҳир Малик, Нурали Қобул, Муҳаммад Али каби ўнлаб шоир ва ёзувчиларнинг номлари йўқ. «Саодат» ва «Совет Ўзбекистони»дан бошқа бирорта журнал ва газетанинг номи тилга олинмайди. Бунинг ўзи ҳам «Инструкция» тузишда мавжуд картотека фонди ўрганиб чиқилмаганидан, ундаги адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий, қишлоқ хўжалиги, медицина ва техникага доир манбаларнинг номлари аниқланмаганидан далолат беради. Ёки 60—90 йиллар адабиёти (бадиий адабиётдан то техника ва қурилишгача бўлган китоблар, газета ва журналлар) ҳали карточкага олинмаган. Бундай аҳволда қандай қилиб кўп томли изоҳли луғатни тузиш мумкин?

Ўзбек адабий тилининг изоҳли луғати фақат бадиий, ижтимоий-сиёсий адабиётлардаги сўзлар луғати бўлмай, балки ўзбек халқи ўқийдиган ва қишлоқ хўжалиги, медицина, қурилиш, техника каби барча соҳаларга тегишли бўлган ҳар хил адабиётларнинг ҳам луғатидир. Шуларнинг ҳаммасидан сўзлар тўпланиши ва улар изоҳли луғатда акс этиши лозим.

Кўп томли изоҳли луғат инструкциясини тузиш жуда мураккаб ва сермашаққат иш. Инструкция — бу луғат низоми. Агар бу низом бой ва аниқ фактик материал асосида илмий жиҳатдан тўғри принциплар бўйича яратилса, изоҳли луғатни тузиш иши анча енгиллашади, луғат пишиқ ва пухта тузилади. Ўзбек тилининг кўп томли изоҳли луғатини тузувчиларга мўлжалланган янги инструкциянинг аҳволи қандай ва у нималарга асосланиб тузилди?

Янги инструкциянинг айрим боблари эски «қўлланма»дан кўчирилган. Бу инструкция сўзсиз ўзбек тилининг ўн томли изоҳли луғатини тузиш учун қўлланма бўлолмайди. Демак, аввал ўн томли изоҳли луғатнинг мукаммал йўриғини яратиш зарур. Аҳвол шундай экан, ўзбек тилининг кўп томли изоҳли луғати қачон чиқади?

Д. АБДУРАҲМОНОВ.

ЁДГОРЛИКЛАР ҲАМ КЎЗГУ

Вилоятимиз обидалари гўзаллиги, бежиримлиги, мукаммаллиги билан кишини ҳайратга солади. Бу қадимий ёдгорликларни халқимиз ўзининг ноёб мулки деб билади.

Партия ва ҳукуматимизнинг «Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қароридан сўнг вилоятимизда бирмунча ишлар амалга оширилди. Шу кунгача маълум бўлган ёдгорликларнинг сони 1350 дан ошиб кетди. Шундан 955 таси археологик, 200 дан ошғи архитектура ва 180 дан ортиғи санъат ёдгорликларидир. Қашқадарё территориясида жойлашган обидаларни тиклаш мақсадида 1977 йилда Шаҳрисабз шаҳрида махсус илмий ишлаб чиқариш устахонаси ташкил этилди. Шундан буён тарихий ёдгорликларни тиклаш борасида анча ишлар қилинди.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида қашқадарёлик бир гуруҳ оқсоқоллар ва зиёлиларнинг вилоятимиз меҳнаткашларига, ёшларига тарихий обидаларни, қадимий эски китоб ва қўлёзмаларни сақлаш ва асраб-авайлаш бўйича мурожаатномаси қабул қилиниб, вилоят газеталарида эълон қилинди. Уй-жой-коммунал-социал хўжалик банки ҳузурида махсус ҳайрия-эҳсон ҳисоби очилди. Шу кунга қадар 12 минг сўмдан ортиқ пул жамғарилди.

Ульянов районининг Касби қишлоғида жойлашган XV-XVI асрга оид Султон Мирҳайдар тарихий ёдгорлигини таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Ўша жойдаги ёпиқ сардобани тиклаш бўйича тегишли ҳужжатлар тайёрланиб, 109 минг сўм пул ажратилиб, таъмирлаш иш планига киритилди.

Халқимиз орасидаги афсона ва ривоятларга қараганда, ошиқ-маъшуқ Тоҳир ва Зуҳра Қашқадарё вилоятида яшаб ўтишган. Хонобод, Қоратикан, Тоҳиртепа каби жойлар бевосита уларнинг тарихи билан боғлиқ номлар. Қарши—Шаҳрисабз катта йўли ёқасида Ғузор



районига қарашли Қовчин қишлоғидаги кичик бир тепалик уларнинг қабри. Қабр ташландиқ ҳолга келиб қолган бўлиб, уни чангалзорлар ўраб олган. Кўпчилик муқаддас санаган бу қабрни тартибга келтириш мақсадида Ғузор район фирқа қўмитаси томонидан энг яхши макетнинг лойиҳаси учун конкурс эълон қилинди. Иккита лойиҳа тақдим этилди. Ёш меъмор М. Хидировнинг лойиҳаси асосида иш бошланиш арафасида. Шу билан бирга бу ерда «Севги хиёбони» барпо этиш, «Зуҳра гумбази»ни қуриш, Тоҳир ва Зуҳра эртаги асосида чизилган суратлар ёдгорлигини ясаш кўзда тутилган. Севишганлар қабри устида оқ ва қизил гул рамзини акс эттириш мўлжалланган. Хиёбон яқинида чойхона ва эсдалик совғалари дўкони қурилади.

Архитектура ёдгорликларини тиклаш, таъмирлаш ишлари вилоятимиз аҳолисининг эътиборида турибди. Мисол тариқасида шуни айтиш мумкинки, Ульянов районн меҳнаткашлари Султон Мирҳайдар архитектура комплексини, яккабоғликлар эса «Ёдгор Валломи» ёдгорлигини таъмирлашда иштирок этмоқдалар. Қарши педагогика билим юрти, политехника, кооператив техникумларининг талабалари уч шанба Бекмир мадрасасида ишлаб бердилар.

Тарихдан яхши маълумки, Қашқадарёда классик адабиётимиз ва санъатимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшган Бинойи, Гулшаний, Мирза Бедил, Хўжа Ҳофиз, Хусрав Деҳлавий, Сайидо Насафий, Мир Қаршийлар яшаб, ижод этган. Айни пайтда вилоятимизда туғилиб, жумҳуриятимизнинг турли жойларида яшаб ижод этаётган 40 дан ошиқ ижодкорлар бор. Буларнинг ижодларини бир ерга жамлаш борасида ҳам маълум ишлар амалга оширилди. М. Горький номли вилоят кутубхонасида «Адабиёт ва санъат музейи» ташкил этилди. Ижодкорларимизнинг ҳаёт йўли акс эттирилган суратлар, асарларидан намуналар қўйилган. Эски қўлёзмалар ва китобларни йиғиш борасида ҳам маълум ишлар қилинмоқда.

Маълумки, жумҳуриятимизда «Туризмнинг олтин халқаси» яратилмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Археология институти Қашқадарё экспедицияси қазув ишларини олиб бораётган қадимий Ерқўрғон харобалари ҳам унинг доирасига киради. Қадимий шаҳар қудратли мудофаа деворлари билан ўраб олинганлиги аниқланди. Шу деворлардан дастлабкисининг ёши эрамизгача бўлган VI асрларга бориб тақалади. Деворларнинг эни 3 метр, баландлиги эса 7 метргача келади. Қазув ишларининг кўлами қадимий шаҳарнинг ёшини, тахминан 2900 йилга тенг деб белгилаш имконини беради.

Бугунги кунда Қарши районидаги Кожар қишлоғида жойлашган Хўжагулистон тепалигида қазув ишларини олиб бориш, Қарши станцияси қошидаги Заҳоки-Морон қалъасини синчиклаб ўрганиш вазифаси ўткир масала бўлиб турибди.

Қадимий сўғдларнинг тарихи ва маданияти сирларини ўрганиш, уларнинг халқимиз ўтмишидаги ролини тушунтириб бериш бугунги кундаги муҳим вазифадир. Қашқадарёда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Археология институтининг стационар археология базасини яратиш кўзда тутилмоқда. Косон район фирқа қўмитаси томонидан Ерқўрғонда очиқ музей ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Умуман олганда, вилоятимизда сўнгги йилларда маънавий қадриятларни тиклашга эътибор билан қаралмоқда. Муҳим тадбирлар тузилиб, амалга оширилмоқда. Аммо ҳозирги тараққиётимиз талаблари кўпроқ олдинда турган вазифалар ва уни амалга ошириш йўллари ҳақида сўз юритишни, ўз ишимизга танқидий кўз билан қарашни тақозо этади.

Жаҳонга машҳур Оқсарой ёдгорлигини таъмирлаш ишлари ҳамон бошланмаяпти. Уни консервациялашнинг қиймати 194 минг сўмлик (муаллифи—меъмор Кузмина) лойиҳаси бор. Республика «Меъмор» бирлашмаси томонидан ёғоч ўрнатиладиган металл қувурлар ва хомутлар ажратиш масаласи ҳал этилмаётганлиги оқибатида бу ердаги хайрли иш ўлда-жўлда.

Бугунги кунда Қашқадарёнинг эски кўприги (XIII аср), қадимий ҳаммоми (XVI аср) ҳам аянчли аҳволда. Ҳаммом биносида «Реставрация бормоқда» деган ёзув уч йилдан буён осилиб турибди. Бироқ таъмирлаш ишларининг охири кўринмайди. Вилоятимиз худудидаги мавжуд тарихий архитектура ёдгорликларини ўз ҳолига келтиришдек масъулиятли вазифани битта таъмирлаш устахонаси уддалай олмаяпти. Шу сабабли жумҳурият Маданият вазирлиги мазкур устахонани янада кенгайтиришни ёки Қарши филиалини ҳам очишдек эзгу ишни тезроқ ҳал қилиб берса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Жумҳурият Археология институти Ерқўрғонда қазув ишларини ўтказиш давомида бу ердан топилган кўплаб қизиқарли материалларни ҳанузгача олиб кетмоқда. Ҳозирга қадар биронта экспонат вилоят ўлкани ўрганиш музейига топширилгани йўқ. Ҳолбуки, ҳамма топилмалар шу жойдаги музейга топширилиши керак эди.

Вилоят ўлкани ўрганиш музейи ҳам ночор аҳволда. У 1904 йилда қурилган Хўжа Абдулла Азиз мадрасасида жойлашган бўлиб, мавжуд экспонатлар қалашиб ётибди, уларни намойиш қилиш учун жой йўқ. Археологларга керакли ёрдам бериш, ҳамкорлик қилишга музейнинг кучи етмайди. Чунки у транспорт воситасига ҳам, маблағга ҳам эга эмас. Мутасадди ташкилотлар бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари лозим.

Бу муаммоларни кечиктирмай, ўз вақтида ишчанлик билан ҳал этиш, қадимий маданиятимиз ёдгорликларини кўз қорачиғидек асраб, келажак авлодга етказиш ҳар биримизнинг ва ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

И. ТЎХТАМИШЕВ,
Қашқадарё вилоят фирқа қўмитаси мафкура бўлими мудирининг ўринбосари.

СПОРТ

САҚРАШ:

МАҲОРАТ КЎРИГИ

● Гомел шаҳрида ўтказилган мамлакат чемпионати жумҳуриятимиз батутда сакраш ишқибозлари учун ўзига хос кўрикка айланди. Чунончи, халқаро классдаги спорт мастери Дмитрий Поляруш яна бир бор ўзини кўрсатиб мутахассислар эътиборини қозонди. Тошкентлик бу спортчи «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятининг чемпиони бўлди. Мусобақада мутахассислар жумҳуриятимизда маҳорат ошираётган Н. Жихарев, Н. Журавлев, У. Кусинов, А. Фомин каби ёшларнинг чиқишларидан мамнуният ҳосил қилдилар.

РЕГБИ:

ҚУШ ПЕШҚАДАМ


● Олий лига командалари мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур ўйинларида қатнашдилар. Тошкентнинг «Звезда» регбичилари Тбилисида маҳаллий «Элмавали» командаси билан учрашиб, имкониятни (6:30) бой беришди. Ҳозир «Звезда» 32 очко билан ўйинлар жадвалининг ўрталаридан жой олиб турибди. Чемпионатда Монино шаҳрининг ВВА ҳамда Киевнинг «Авиатор» коллективлари 49 тадан очко билан олдинда боришмоқда.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● **ИККИНЧИ ЛИГА. Шарқий зонага киритилган коллективлар мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишмоқда. Навбатдаги учрашувлардан кейин фахрли ўринларни эгаллаб турган учта команда ҳисобида 33 тадан очко тўпланди. Чимкентнинг «Мелиоратор» футболчилари олдинда боришмоқда. «Нефтяник» футболчилари сафарда «Шахтёр» командаси билан ўйнаб (0:0), ўз ҳисобларига битта очко қўшдилар. «Океан» учинчи ўринни эгаллаб турибди.**

● **БИРИНЧИ ЛИГА. Олий лигага йўлланма олиш учун даъвогарлик қилаётган коллективлар ҳар бир имкониятдан етарли фойдаланишга уринмоқдалар. Лекин мавсум мобайнида пешқадамликни бой бермасликка уриниб келаётган спартакчилар яна битта очко йўқотишди. Улар «Таврия» майдонида (1:1) ўйнагандилар. «Металлург» эса ўз майдонида муваффақият қозонди. Запорожье футболчилари «Пахтакор» билан ўйинда дарвозага битта кўп киритиб, зафар қучишди. Ҳозир «Спартак» ва «Металлург» коллективларида 36 тадан очко тўпланди. «Пахтакор» 32 очко билан учинчи ўринни эгаллаб турибди.**









«Чимён» туристик комплексига қарашли боғ-роғларда моҳир асаларичи Шемиль Белиалов 120 қути асаларини парвариш қилаётир. У олтмишдан ошганига қарамай эпчил ҳаракат қилади. У ҳар йили 2 тоннага яқин асал топширади.

Шемиль ака мана қирқ йил бўлибдики, асаларичилик билан шуғулланади. Бу давр ичида ўнлаб шогирдлар етиштирди. Шулардан ота-бола Серик ва Шуҳрат Абдиевлар ҳам устоз изидан бориб муваффақиятларни кўпайтирмоқдалар. Шемиль аканинг куёви Рифат Абдуғаниев ҳам асаларичилик сирларини қунт билан ўрганмоқда. Бу шогирдлар Шемиль акага асал олишда ва бошқа ишларда кўмаклашадилар.

Суратларда: (чапдан ўнгга) Рифат Абдуғаниев, Шемиль Белиалов, Серик ва Шуҳрат Абдиевлар асал олиш вақтида.

И. Шербек олган суратлар.

ЯНГИЛИКДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

ҚАНД ЎРНИГА...

Тошкент химия-фармацевтика заводи яқинда янги маҳсулот — силастилин ишлаб чиқара бошлади. Ҳар бир таблетка таркибида 0,018 граммдан силастилин бўлиб, таъми жиҳатдан 3,2 грамм қандга баробар. 4 килокалория қувват бериб, қиймати жиҳатдан қандга нисбатан 180-200 маротаба кучли.

Ўзбекистон эндокринология илмий-текшириш институти қандли диабет бўлимининг раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди З. АКБАРОВ янги дорини қуйидагича шарҳлаб берди:

— Мамлакатимизнинг 26 фоиз аҳолиси семизлик дардига чалинган, 50 фоиз аҳоли ортиқча вазнга эга. Қандли диабетнинг келиб чиқиш сабабларидан бири ҳам семириб кетишдир.

Бугунги кунда Тошкент аҳолисидан 20 минг, жумҳуриятимиз бўйича эса 70 минг киши ана шундай хасталикка дучор бўлганлиги рўйхатга олинган. Бу хасталик болалар орасида ҳам учрамоқда.

Қандли диабетга чалинган беморларда асосан организмда глюкозанинг ўзлаштирилиши бузилган бўлади. Шунинг учун беморларга асосан таркиби тозаланган углеводдан иборат қанд истеъмол қилиш маи этилади. Уларнинг организмини қандга бўлган талаб эҳтиёжларини қондириш мақсадида — ксилит, сорбит ва сахарин каби қанд ўрнини босувчи маҳсулотлар истеъмол қилиш тавсия этиларди.

Бироқ бу маҳсулотлар истеъмол қилинган тақдирда ҳам бемор қонида қанд моддасининг ошиб кетганлиги кузатилиши мумкин. Силастилин эса таркибан оқсил моддасига эга бўлиб, амалий жиҳатдан қонда қанд моддаси мувозанатининг ошишига таъсир этмайди.

Мутахассисларнинг фикрича, Америка Қўшма Штатларининг деярли ярим аҳолиси, бутун дунёда эса 200 миллион киши силастилин истеъмол қилади. Силастилинни парҳез таомлар, мурабболар, қиёмлар ва компотлар тайёрлашда ишлатиш мумкин.

Бу дорини ҳатто соғлом кишилар кофе, чой билан ичишлари ҳам мумкин. Дори соғлом кишиларни қандли диабетдан асрайди.

— Тошкент химия-фармацевтика заводи хориждан валютага сотиб олинган хом ашёлардан йилига 2,5 миллион ўрам силастилин ишлаб чиқариш имкониятига эга — дейди «Узхимфарм» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, химия фанлари номзоди Т. Раҳматуллаев. — Бугунги кунда дорихоналардан силастилинни истаганингизча сотиб олишингиз мумкин.

А. ЭРГАШЕВ,
жумҳурият саломатлик марказининг матбуот шўъбаси ходими.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси

12-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ЖУМҲУРИЯТДА БИРИНЧИ МАРОТАБА
1990—1991 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ФЕРМЕР (чорвачилик йўналиши бўйича) — электромонтёр, чорва молларига ветеринар ишлов бериш оператори, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, чорва фермаси механизатори, «В» ва «С» тоифадаги автомобиль ҳайдовчиси мутахассисликлари берилади.

Ўқиш муддати 9-синфни битирганлар учун 3 йил, 11-синфни тугатганлар учун 2 йил.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

ФЕРМЕР (чорвачилик йўналиши бўйича) — ихтисоси бўйича 9-синфни битириб ўқишга кирганлар ҳар бир курсдан сўнг маълум мутахассисликни эгаллаб, ишлаб чиқаришга кетишлари мумкин. I курсдан сўнг электромонтёр касби ҳамда, умумий таълим мактабининг 10-синфини тугатганлиги ҳақида ҳужжат берилади. 2 курсдан сўнг чорва молларига ветеринар ишлов бериш касби ҳамда тўла ўрта маълумот ҳақида ҳужжат берилади. 3 курсдан сўнг кенг ихтисосли тракторчи-машинист, чорва фермаси механизатори «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси касблари ҳамда фермер дипломи берилади. 11-синфни битирганлар учун: I-курсдан сўнг электромонтёр, чорва молларига ветеринар ишлов бериш операторн II-курсдан сўнг чорва фермаси механизатори, кенг ихтисосли тракторчи-машинист «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси мутахассисликлари ҳамда фермер дипломи берилади.

ФЕРМЕР (асаларичилик йўналиши бўйича) ихтисоси бўйича 9-синфни битириб ўқишга кирганлар учун: I-курсдан сўнг электромонтёр касби ҳамда 10 синфни тугатганлиги ҳақида ҳужжат берилади. 2 курсдан сўнг асаларичи касби ҳамда тўла ўрта маълумот ҳақида ҳужжат берилади. 3 курсдан сўнг кенг ихтисосли тракторчи-машинист, дурадгор «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси касблари ҳамда фермер дипломи берилади. 11-синфни битирганлар учун I курсдан сўнг электромонтёр, асаларичи, II-курсдан сўнг дурадгор, кенг ихтисосчи тракторчи-машинист «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси мутахассисликлар ҳамда фермер дипломи берилади.

Кирувчилар билан суҳбат ўтказилади. Суҳбатда биология, математика ва касб ҳақида саволлар бўлади.

СУҲБАТ 28 АВГУСТДАН БОШЛАНАДИ.

Узоқдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш даври доимий меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади. 4 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва стипендия берилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, 9 ёки 11-синфни битирганлиги ҳақида гувоҳнома, турар жойидан маълумотнома, 6 дона 3х4 см. ҳажмида сурат, 086/У андозадаги тиббий шаҳодатнома, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт.

Манзилгоҳимиз: Тошкент вилояти, Оржоникидзе ноҳияси, Геофизика даҳаси (М. Горький метросидан Тузель автобусининг Геофизика бекати, 21, 63, 73, 112-автобусларнинг «Охирги» бекати, 49-автобуснинг 1-«Қорасув» бекати).

Телефон: 64-31-34.

«ВОСТОК» БАНКИ

7000 КАСАЛ БОЛАЛАРГА ЁРДАМ ЖУМҲУРИЯТ МАҚСАДЛИ ХАЙРИЯ ҲИСОБИ ОЧИЛГАНЛИГИНИ **МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

МАЗКУР ҲИСОБГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

— давлат ташкилотлари, кооперативлар ва аҳолининг вақтинча фойдаланилмаётган (ёки самарасиз фойдаланилаётган) маблағлари. Бу маблағлар бўйича «Восток» банки шунинг самарадорлиги билан белгиланадиган фоизлар ҳисоблаб борилади. Зарур ҳолларда депозит суммаси қайтариб берилганда фоизларнинг шартномаларга тегишли қисми омонатчига тўланиши мумкин;

— давлат ташкилотлари, кооперативлар даромадининг ҳайрия ҳисобига бегараз ўтказилган қисми. Бу маблағ бўйича солиқ олинмайди. Бу пул маблағлари бўйича «Восток» банки фоизлар бўйича олинган даромадларга ҳар кварталда Болалар фонди билан биргаликда ўта танқис ускуналар, медикаментлар, ўйинчоқлар ва бошқаларни харид қилади ва уларни бевосита даволаш муассасаларига юборади.

Хайрия ҳисобининг аҳволи тўғрисидаги «Восток» банкининг ҳисоботлари жумҳурият матбуоти саҳифаларида мунтазам ёритиб борилади.

Касал болаларнинг дардини енгиллатиш Сиз билан бизнинг қўлимиздан келишига ишонамиз!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Фигельский кўчаси, 86-уй.

Телефонлар: 68-79-61, 68-79-62, 68-79-64.

„ЭЛЕКТРОНИКА"

ТОШКЕНТДАГИ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАСИ МАГАЗИН-САЛОНИ

2 УСЦТ ва УНИМЦТ типидаги ТЕЛЕВИЗОРЛАР ва турли маркадаги маиший МАГНИТОФОНЛАР (ғалтакларидан фойдаланса ҳам бўлади) **билан биргаликда фаолият кўрсатадиган.**

ЗУМРАД КОМПЬЮТЕРИНИ

ТАВСИЯ ҚИЛАДИ

Компьютердан математика ва муҳандислик масалаларини ечиш, иқтисодга оид ҳисоб-китобларни бажариш, ўйин ва ўргатувчи дастурларни амалга ошириш учун маиший ва ишлаб чиқариш шароитларида шахсий фойдаланувчиларнинг ишлаши учун мўлжалланган.

Унинг техникавий кўрсатгичлари билан танишинг:
хотирасининг узатиш ҳажми — кбайт-64,

ОЗУ ҳажми — кбайт-48,
шу жумладан экран қисми — кбайт-16,

ПЗУ ҳажми — кбайт-4,
қўлланиладиган процессор — КР 580 ВМ 80А,
дастурий таъминлаш — бейсик, ассемблевар, дизассемблар, текст муҳаррири,

Компьютернинг нархи — 975 сўм.

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй.
Маълумотлар олиш учун телефон: 33-78-34.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ
«Астрофизика» ихтисоси бўйича
СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700052, Тошкент шаҳри, Астрономия кўчаси, 33-уй.
Телефон: 35-81-02.

КОРХОНАЛАР ВА ШИРКАТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ташстройтранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг
АВТОРЕМОНТ ЗАВОДИ

«МАЗ» автомобилининг ҳамма моделларини, «ЗИЛ-130», «ЯМЗ-236», «ЯМЗ-238» двигателларининг, шунингдек, «ЗИЛ-130» автомашинасининг КПП узатмалар қутиси, «МАЗ» ва «ЗИЛ» автомашиналарининг олдинги ва орқа таянчларини жорий таъмирлаш юзасидан

1991 йил учун чекланмаган миқдорда
ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

Манзилимиз: 700032, Тошкент шаҳри, Складская кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: 62-76-94, 62-76-92, 62-76-98.

ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Узглавстройдревпром»нинг Тошкент ёғочга ишлов бериш ишлаб чиқариш бирлашмаси нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан:
1300 х 2600 мм.ли ёғоч тўсинлари,
900 х 2200 мм.ли вагон тўсинлари,
1500 х 2900 мм.ли бир ва икки қаватли болалар каравотларини

СОТАДИ

Мурожаат қилиш учун манзил: Тошкент шаҳри, 69-алоқа бўлими, Собир Раҳимов ноҳияси, металлистлар кўчаси, 104 «А»-уй.
Телефон: 48-44-12.
Бирлашманинг Собир Раҳимов ноҳияси қурилиш бошқармасидаги ҳисоб-китоб рақами 000301206, код рақами 734116.

Ўзбекистон ССР Қурилиш комплекси ташкилотларининг раҳбарлари
ДИҚҚАТИГА!
Ўзбекистон ССР Давлат қурилиши комитетининг
АХБОРОТ-ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИ

СССР Министрлар Кенгаши Қарорларини бажариш бўйича 1989 йил 30 сентябрь 809-сонли «Ҳужжатлар тўплами»нн
СОТАДИ

Баҳоси — 30 сўм.
Мурожаат қилиш учун манзил: Тошкент шаҳри, 128-алоқа бўлими, А. Қодирий кўчаси, 5-уй. Телефон: 41-74-17.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/VIII да **Фауст**, 29/VIII да **Дунёнинг яратилиши**, 30/VIII да **Тоҳир ва Зуҳра**, 31/VIII да **Спартак.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА 28/VIII да **Лақма куёв** (премьера), 29/VIII да **Фармонбиби араздади**, 30/VIII да **Майсаранинг иши**, 31/VIII да **Отасининг қизи.**

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт институти жамоаси мазкур институтнинг катта илмий ходими С. Ғаниевага синглиси
Сурайё ЖУМАНОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат маданият институти ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари жисмоний тарбия кафедрасининг катта ўқитувчиси А. С. Мавлоновга акаси
Набижон САИДОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

№ 195.

ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12